

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ  
ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ  
“ХАЛҚ ИЖОДИЁТИ” ФАКУЛЬТЕТИ “МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ  
МУАССАСАЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА БОШҚАРИШ”  
ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ

“МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ МУАССАСАЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ  
ВА БОШҚАРИШ” КАФЕДРАСИ

“МАДАНИЯТ ВА АҲОЛИ ДАМ ОЛИШ МАРКАЗЛАРИНИНГ ОИЛА  
ВА МАҲАЛЛАЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИГИ”

мавзусидаги

# БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

“Битирув малакавий иш  
кафедрада дастлабки ҳимоядан  
ўтди”

“Маданият ва санъат  
муассасаларини ташкил этиш ва  
бошқариш” кафедрасининг \_\_\_\_\_ -  
сонли йиғилиш баённомаси

“ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 2016 йил

Кафедра мудири

Катта ўқитувчи: Шодиев Х.Х

**Бажарди:** “Маданият ва санъат  
муассасаларини ташкил этиш ва  
бошқариш” таълим йўналиши  
битирувчиси Мадримова Мархабо

**Илмий раҳбар:**

ф.ф.д. С.С.Тўйчиева

Тошкент – 2016

# МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ</b> .....	3
<b>I БОБ. МАДАНИЯТ ВА АҲОЛИ ДАМ ОЛИШ МАРКАЗЛАРИ ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ СИФАТИДА</b> .....	8
<b>1.1 Ўзбекистонда маданият ва аҳоли дам олиш марказлари тизимини бошқаришнинг замонавий усули</b> .....	8
<b>1.2 Бўш вақтни мазмунли ўтказиш маданият ва аҳоли дам олиш маркази фаолиятининг асосий мезони</b> .....	18
<b>II БОБ. МАДАНИЯТ ВА АҲОЛИ ДАМ ОЛИШ МАРКАЗЛАРИНИНГ МАҲАЛЛА ВА ОИЛА БИЛАН ҲАМКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ</b> .....	29
<b>2.1 Маданият ва аҳоли дам олиш марказларида маданий тадбирларни уюштириш масалалари</b> .....	29
<b>2.2 Маданият ва аҳоли дам олиш марказлари фаолиятини ривожлантиришда маҳаллалар ва оилаларнинг ўрни</b> .....	48
<b>Хулоса</b> .....	52
<b>Глоссарий</b> .....	55
<b>Фойдаланилган адабиётлар</b> .....	56

## К И Р И Ш

**Мавзунинг долзарблиги:** Мамлакатимиздаги мустақил ҳуқуқий, демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти қуриш йўлидаги бунёдкорликлар инсон моҳиятини юксалтириш, инсоннинг орзу имкониятларини англаш ва етук интеллектуал, ақлий-амалий ривожланиши борасида янги шарт-шароитлар яратади.

Ҳаммамизга яхши, маълумки, ёшлик интилишлари чегара билмайди. Шу нуқтаи назардан қараганда, эзгу орзу-ниятлар билан ёниб яшаётган йигит қизларга улар кўзлаётган юксак уфқлар, буюк мақсадлар, аввало, инсоннинг ўзи учун юрти ва халқи учун фойдали эканлигини очиқ бериш мумкин<sup>1</sup>.

Албатта бу инсониятнинг анъанавий илмий бойликларга, инсоннинг ўзига янгича муносабат ёндошувига сабаб бўлади. Мухтарам Юртбошимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек, “Фуқаролар энди ижтимоий иқтисодий жараёнларнинг иштирокчиси бажарувчиси эмас балки бунёдкори ва ташкилотчисидир”.<sup>2</sup>

Буюк давлатчилигимиз тараққиётидаги тарихий тажрибаларга суяниб, инсонпарвар, демократик ҳуқуқий давлат тамойилларига мос маънавий-маърифий фаолият учун зарур бўлган шароитларни яратишда ёшларнинг фаол иштироклари ҳаётини долзарб масалалардан биридир.

Маълумки юртимиз аҳолисининг 64 фоизини ёшлар ташкил этади. Демографик жиҳатдан олиб қарайдиган бўлсак Ўзбекистон Республикаси ёшлар мамлакати дейишга илмий асослар бор. Президентимиз И.А.Каримов таъбири билан айтганда “Ҳар қайси давлат ёки миллат ўз фарзандлари қиёфасида униб ўсиб келаётган ёш авлод тимсолида, шу халққа хос энг гўзал фазилатларни намоён этадиган, унинг эзгу-орзу ниятларини амалга оширишда мардлик, фидоийлик кўрсатишга қодир бўлган ўз таянчи ва суянчини кўриши табиийдир.”

---

<sup>1</sup> Karimov I.A. Istiqlol va ma'naviyat-T: O'zbekiston 1995. 66-67 betlar.

<sup>2</sup> Karimov I.A. O'zbekiston XXI asr bo'sag'asida xavfsizlikka taxdid, barqarorlik shartlari va tarqiyot kafolatlari.- T: O'zbekiston, 1997. 112-130 betlar.

Қадимда табиблар мусиқа билан ҳам беморларнинг дардини даволаганлар. Маданий маърифий муассасалар ўз фаолиятини амалга оширишда мусиқани асосий омиллардан бири деб ҳисоблаганларида бу фаолиятнинг таъсир кучини ошириб, инсониятни тарбия воситасига айланишини кўзлаганлари ҳам айна ҳақиқатдир.

Ҳозирги кунда маданий-маърифий муассасалар Республикамиз маданият ва спорт ишлари вазирлиги тармоғида бўлиб, вилоятлар, туман қолаверса чекка-чекка қишлоқ ҳаётига кириб бориш, уларнинг ижтимоий турмуш даражасини яхшилаш, маданийлашувни амалга ошириш, шунингдек, инсонпарлик, қалбан поклик, меҳру -муруват, ҳайри-саҳоват, динлараро бағрикенглик, миллатлараро тотувлик, энг асосийси ёш авлодни миллий маънавиятимиз, урф-одатларимизга содиқ қилиб тарбиялаш, жамият кишилари кўз ўнгида тинч ва осуда ҳаётга интилиш ва унинг қадрига етиш, жаҳолатга қарши маънавият билан курашмоқ, ёш авлод онг шуурида ёт ғоялар пайдо бўлиши, мафкуравий бўшлиқ вужудга келишини олдини олишга қаратилган амалий фаолиятни амалга оширади.

Халқ ижоди-тарихий тараққиёт давомида халқнинг идеаларига бадий муносабат ва интилишдан иборат бўлиб келган. Шунингдек, маданий маърифий муассасалар фаолиятини ривожлантириш, ёшлар маънавияти борасидаги амалий ҳаракатларни амалга оширишда касаба уюшмалари ҳамкорлигига таяниш, жамоалардаги ёш кадрлар касбий маҳорати билан бир қаторда маънавий салоҳиятини оширишга қаратилган янгича иш услубини ишлаб чиқишдан иборат бўлади.

Муҳтарам Юртбошимиз И.А.Каримов фикрига тўхталиш даркор- “Маданий жамоатчилигимиз, авваламбор мусиқашунос олимлар, устоз санъаткорлар, композиторлар, ёзувчи ва журналистлар, кўп сонли санъат ихлосмандлари бундай

масалалар юзасидан ўз фикрини очик билдириб бориши, шу тариқа ёшларимизга тўғри тарбия беришимиз ҳам қарз, ҳам фарз.”<sup>1</sup> Бу бевосита маданий маърифий муассасалар фаолияти доирасида халқ амалий санъати намуналари, техник ижодиёт, бадиий адабиёт орқали миллий менталитетимизга хос хусусиятларни ёш авлод онгига сингдириш бу бевосита ёшлар ҳаёт фаолиятининг мақсадли йўналтиришда улардан фойдаланиш ҳам моддий ҳам маънавий таъминот базасига айлантиришдан иборат фаолият фақатгина таълим муассасаларининггина вазифаси эмаслиги, бу жараён айнан маданий-маърифий муассасалар фаолият тури ва мақсадларидан бирига айланмоғи кераклигини яна бир қарра исбот этади.

Ҳозирги кунда Республикаимизнинг барча ҳудудларида фаолият юритаётган маданий-маърифий муассасаларнинг ёшлар тарбиясига таъсири қатта албатта. Маданий-маърифий муассасаларда ўтказиладиган оммавий тадбирларнинг асосий иштирокчилари ёшлар экани, энг асосийси эса ташкилотчилар таркибида ёшларнинг мавжудлиги бу тадбирнинг мақсади ёшлар масалаларини ҳам қамраб олишини беихтиёр таъминлайди. Шу нарсани алоҳида таъкидлаш керакки, ёшлар ҳаёти, муаммолари ва ютуқлари ҳақида ёшлар ўзигина ҳақиқий таъсиротни беради, энг таъсирли ифода воситаси бўлади.

### **Муаммонинг ўрганилганлик даражаси:**

Ҳозирги кунда маданий тадбирларни ташкил қилиш ва уларнинг жойларда яъни туб аҳоли жойлашган жойларда тадбирни ўтказиш мураккаб жараён бўлиб, бу тадбирни маҳаллаларда ҳамкорлик орқали ўтказиш биринчидан, аҳолининг бўш вақтини мазмунли ўтказсиз учун хизмат қилса, иккинчидан, муассасанинг моддий техник базасини яхшилаш учун хизмат қилади. Маданий тадбирларни ташкил этиш мамлакатимиз истиқлолга эришгандан сўнг маданият соҳасига кенг имкониятлар очиб берилди. Бу соҳада кўплаб ютуқларга эришилмоқда. Соҳа ривожига бел боғлаган тадқиқотчиларимиз жуда кўп.

---

<sup>1</sup>Karimov I.A. Istiqlol va ma'naviyat-T: O'zbekiston 1995. 66-67 betlar.

**Тадқиқотнинг мақсади:** Маданий тадбирларни ташкил этишдан бош мақсад халқимизнинг турмуш тарзини яхшилаш ва уларга эркинликнинг кадрига етиш, жамиятнинг фаол аъзоси бўлишга ундашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

- маданий тадбирларни ташкиллаштиришни бошқаришнинг ўзига хослигини шаклланишига таъсирини ўрганиш.

- истиқлол шароитида маданий тарбиянинг ривожланишини бошқаришда, ижтимоий қадриятларнинг шаклланишида маданият ва аҳоли дам олиш марказларининг ролини илмий жиҳатдан талқин қилиш.

- санъат ташкилотининг ривожлантириш мақсадларини аниқлаш;

- унинг стратегиясини ишлаб чиқиш;

- муаммоларни ечиш учун тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш;

- вазифаларнинг бажарилишини назорат қилиш.

**Тадқиқотнинг объекти:**

Маданият ва истироҳат боғлари, маданият ва аҳоли дам олиш марказларидаги ва барча маданият муассасаларидаги мавжуд тадбирларни кенг миқёсида ўрганиш.

**Тадқиқотнинг предмети:** маданий-маърифий тадбирларни ташкил этиш ва ушбу тадбирларни маҳаллалар билан ҳамкорлигини ривожлантиришни ёлга қўйиш.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги:**

1. Истиқлол шароитида маданий тадбирларининг ривожланишини бошқаришаҳолига намунали хизмат кўрсатиш ижтимоий фаолликни оширишда ўзига хос ўрни аниқланди.
2. Маданий тадбирларни ташкил этиш ва уларнинг фаолиятни бошқариш шахсининг шаклланишида ижтимоийлашув ва ҳаётда ўз ўрнига эга бўлишга қизиқишларини уйғотиш.

### **Тадқиқотнинг методологик асоси:**

Тадқиқот мавзусини ёритишда Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисидаги Қонуни” Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов асарлари, таълим муаммолари, халқ таълими, Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури, интернет сайтлари ва бошқа илмий ишлардан ва методик журнал ва адабиётлардан маммизнинг мамлакатимизнинг ушбу соҳасидаги мутахассислар ва илмий тадқиқотчиларнинг таҳлилий маълумотлари ишда ўз аксини топган.

**Тадқиқотнинг методлари:** тадқиқотга оид адабиётларни тўплаш, уларни ўрганиб чиқиш, кузатувлар олиб бориш, савол-жавоб, анкета ва суҳбат усулларидадан фойдаланилди.

### **Тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти:**

Тадқиқотнинг назарий аҳамиятида илмий янгиликнинг ўрни алоҳида. Тадқиқот дастурини яратиш статистик таҳлил, маданий фаолиятнинг хусусиятларини ўрганилиши фанга назарий хисса бўлиб қўшилди. Маданий тадбирларнинг муҳим ва унча аҳамиятга эга бўлмаган механизмларни аниқлаш бу жараёнга режали таъсир ўтказиш имконини беради.

### **БМИнинг структуравий тузилиши:**

- кириш.
- асосий қисм (2-боб 4 пункт).
- хулоса ва тавсиялар.
- фойдаланилган адабиётлар рўйхати.
- иловалардан иборат.

# I БОБ МАДАНИЯТ ВА АҲОЛИ ДАМ ОЛИШ МАРКАЗЛАРИ ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ СИФАТИДА

## 1.1 Ўзбекистонда маданият ва аҳоли дам олиш марказлари тизимини бошқаришнинг замонавий усули

Муסיқа ва санъат кўпинча кундалик ҳаётнинг таркибий, кўп ҳолларда диний маросимга оид қисми ҳисобланган. Муסיқа билан барча одамлар шуғулланар эди, муסיқа тингловчилари йўқ эди. Муסיқада профессионаллашиш сахна ва бошқа санъат турларида профессионаллашиш билан бирга амалга ошди. Бунда давлат ва подшолар саройлари катта рол ўйнаган, чунки улар муסיқа ва бошқа санъат турларидан уларнинг кучи ва ютуқларини намоён этувчи восита сифатида фойдаланишар эди. Ўрта асрларда театр ва муסיқани кўчманчи жонглёрлар билан боғлашар эди. Муסיқани барча табақадаги одамлар: дехқонлар қишлоқда бўладиган байрам ва диний маросимларда, хунармандлар- хунармандчиликка оид байрамларда, сарой аъёнлари ва зодагонлар - мусобақа ва расмий маросимларда тинглаганлар.

Муסיқани муштарак тинглаш учун муסיқий асбобларнинг ва нотали тизимининг вужудга келиши муסיқа оламида турли ўзгаришларга олиб келди: муסיқий асарларини ёзиш ва уларни бошқа муסיқачилар томонидан ижро этиш имконияти туғилди.

Уйғониш даврида аристократик муסיқа туғилди, муסיқий асбобларнинг кўплаб турлари қўлланила бошланди, саройларда профессионал, уста муסיқачилар фаолият юрита бошлади. Муסיқа ўз навбатида халқ ва элитага бўлинди. Европада сарой аъёнлари ва муסיқачилар бугунги ижодий уюшмаларга ўхшаш табақаларга бирлашишди. Ушбу табақалар нафақа ва касаллик фондларини ташкил қилиб, муסיқани яратиш ва ижро этиш учун тарифларни тасдиқлади, турли байрам ва тантаналарда муסיқа ижросининг монополиясига эгалик қилдилар<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup>U.Qoraboev "Madaniyat masalalari", -T.: "O'zbekiston milliy ensklopediyasi" Davlat ilmiy nashriyoti. 2010 y.,- B. 60.

Ўша даврларда ҳокимият (яъни давлат ва ҳукмрон синф) мусиқий ижодиёт, ҳамда мусиқанинг ижро этиш ва тарқатиш шаклларига бевосита таъсир эта бошлади. Муайян мусиқий жанрлар (опера) ҳукмронлик қилувчи табақаларнинг ҳокимият ва нуфуз рамзига айланди.

Зодагонларнинг қашшоқлашув жараёни ҳамда маданий савиясини оширишга интилаётган фуқаролик синфининг ривожланиши биринчи оммавий пуллик концертларнинг вужудга келишига олиб келди. Германия ва Англиянинг бадавлат савдогарлари концерт залларини яратдилар. Энди мусиқачи эмас балки мусиқа “товар”га айланди, яъни мусиқани, шу жумладан унинг партитураси ва мусиқий асарнинг ижросини баҳолаш зарурияти келиб чиқди. ХУ111 асрнинг охиригача бастакор ўз асарини сотиш ёки қалам ҳақи олиш учун ҳуқуқига эга эмас эди. Нашриётчилик фаолият доирасида партитуралар нашри тобора ривожланиб борди, бунда мусиқага партитуранинг муаллифлик ҳуқуқини сотиб олган ношр эга бўлган. Лекин ушбу ҳуқуқ асарни ижро этишга эмас, балки партитурани кейинчалик нашр этишга тегишли эди.

XIX асрда мусиқий асарларни ижро этиш сахна томошасига айланди. Маҳаллий ҳокимият ёки давлат бюджетидан молиялаштирилган кўплаб оркестрлар ташкил қилинди. Опера санъати эса қизғин пайтига етди. Ўрта ва олий мусиқий таълим муассалари тизими ривожлана бошланди, машҳур мусиқий ижрочиларнинг турли гастроль ва турнелари ташкил қилинди. Оркестрлар мураккаброқ мусиқий ансамблларга айлана бошладилар ва уларга дирижёрлар керак бўлди. XIX асрнинг иккинчи ярмида ташкилотчи - дирижёр Берлиоз “дирижёр ҳукмронлиги ” назариясини яратди.

Маданий қадриятларга бўлган бозор муносабатлари қонунияти мусиқий санъатга кўплаб талаблар қўяди ва муаллифлик ҳуқуқидан бошлаб то “хит” ва “юлдузлар”ни яратишгача бўлган мусиқий менежмент учун муайян меъёрларни аниқлаб беради.

XX асрда “юлдузлар” қаторига мумтоз ва элита мусиқаси ижрочилар билан бирга оммабоп, халқ ва кўнгил очар мусиқа ижрочилари ҳам кира

бошлади. Оммабоп мусикани бозорга кафе, кабаре ва бошқа шу каби жойлардан чиқиши ушбу мусиқа муалиф ва ижрочиларининг аҳволини анча яхшилади. Унинг тингловчилари эса асосан шаҳарликлар бўлди.

Мусиканинг тарқалиш кўлами. XX асрнинг бошларига келиб граммофон пластинкаларнинг ишлаб чиқарилиши ва радио эшиттиришнинг ривожланиши орқали янги тус олди. Бундай тараққиёт натижасида нафақат мусиканинг идрок этишнинг ўзига хос хусусиятларида, балки бутун бир мусиқий фаолиятида катта ўзгаришлар рўй берди. Ижро этилган мусиқий асар ёзилди, кўпайтирилади ва радиостанциялар орқали тингловчиларга узатилди, бу эса ўз навбатида муайян мусикани чекланмаган тарзда қайта ижро этиш имконини берди. Шундай қилиб, санъатнинг кўплаб бошқа турларига ўхшаб мусиқа турли соҳаларни (мумтоз, енгил, рок, поп, халқ, жаз мусиқаси саноати), ҳамда дифференциялашган сотиш бозорини қамраб олувчи саноатга айланди.

Бугунги кунда мусиқий фаолиятдаги ижтимоий-маданий цикл қуйидаги босқичларда айланишни хосил қилади:

1. Бадиий эҳтиёжлар (концерт тингловчилари, рок-мусиқаси тингловчилари, халқ мусиқаси тингловчилари, мусиқачилар ва кўшиқчилар, ҳаваскорлар);
2. Бадиий таълим (умум таълим мактабларида мусиқа дарслари, мусиқий мактаблар, мусиқий санъат факультетлари, консерваториялар);
3. Ижодкорлик (мусиқа санъаткорлари уюшмаси, филармония, симфония ва камера оркестри);
4. Мусиқий саноат (нашриёт; мусиқий асбоблар, овоз ёзиш аппаратура ва воситаларни ишлаб чиқариш);
5. Бадиий асарлар (партитура, концерт, овоз ёзиш) ёки муҳофаза қилиш ва сақлаш (фонотека, партитураларни йиғиш);
6. Тарқатиш (концерт агентликлари, концерт заллари, фестиваллар, кўрик ва танловлар, мусиқий танқид);

## 7. Оммани жалб этиш (муסיқий дастурлар, тақдимотлар)<sup>1</sup>;

Муסיқа шакллари. Айрим статистик маълумотларига кўра бугунги кунда инсон ҳар куни ўртача ҳисобда 2 соат турли муסיқий ижронинг таъсирига мубтало бўлар экан. Санъатнинг бошқа турларига нисбатан муסיқа тингловчиларнинг бўлиниши анча катъий бўлиб, мисол учун, мумтоз муסיқани хуш кўрадиган хаваскор одатда радио дастурларни эшитади, опера, филармония концертларига ташриф буюради. Мумтоз муסיқаси соҳасида соф иқтисодий мақсадларда ҳаракат қилишнинг имконияти деярлича йўқ. Мумтоз муסיқа йўналишдаги муассасаларнинг молиявий манбалари бўлиб бюджет, йирик саноат концернлар ва хусусий ҳомийлар ҳисобланади.

Маданий жамоатчиликнинг унча эътиборига тушмаган халқ муסיқаси ўзининг оммавий тингловчиларига эгадир. Америка муסיқасидан ташқари халқ муסיқаси рок-ва поп муסיқасига қараганда байналминал эмас ҳамда миллий ва тил чегаралари билан чекланган.

Айрим холларда мода тенденцияларига биноан қайсидир муסיқа халқаро тингловчилари томонидан қабул қилиниши ҳам кузатилади (50-йилларнинг мексика, 60-йилларнинг юнон, 70 -йилларнинг лотин америка халқ муסיқаси)<sup>1</sup>. Айнан бугун муסיқада этнойўналиш ўзига хос хит бўлиб асосан бу билан йирик муסיқий компаниялар шуғулланмоқдалар.

Оммавий муסיқий тингловчилар ёши ва миллий хусусиятларига қараб бўлинади. Ёшга оид фарқлар эстрада, рок- ва поп-муסיқада, миллий фарқлар эса халқ муסיқасида сезилади.

Опера муסיқий ва саҳнага оид шакл ҳисобланса ҳам, уни театр санъати ҳамда муסיқий санъати доирасида ўрганиш мумкин бўлсада, ижтимоий маданий нуқтаи назаридан у муסיқага киритилган, чунки унинг муаллиф ва тингловчилари муסיқий муаллиф ва муסיқий тингловчилар ҳисобланади. Дунё амалиёти опера театрларни молиялаштиришга бюджетдан катта ҳажмдаги маблағлар кетишини кўрсатади. Кириш чипталари эса ушбу

<sup>1</sup> U.Qoraboev “Madaniyat masalalari”, -Т.: “O‘zbekiston milliy ensklopediyasi” Davlat ilmiy nashriyoti. 2010 у.,- В. 64.

<sup>1</sup>[www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz) O‘zbekiston ta’lim portali.

харажатларнинг фақатгина беш-етти фоизини қоплайди. Катта труппа ва оркестрларнинг сони ташкилий муаммоларни келиб чиқаради. Айниқса якка ижрочилар билан ишлаш, оркестрни мувофиқ муסיқачилар билан таъминлаш қийинчиликлар туғдиради. Шундан келиб чиққан ҳолда барча мамлакатлардаги опера театрларнинг сони бошқа жанрдаги театрлар сонига нисбатан анча камроқдир. Охирги вақтда ривожланган мамлакатларда шахсий ташаббус орқали кўплаб камера опера театрлари театр мусасаларининг жозибали шакли сифатида вужудга келмоқда. Муסיқий фестиваллар муайян жойда, маълум бир вақтда, ҳамда маълум бир мавзу йўналишида (миллий, замонавий муסיқа, муайян муסיқий асбоблар, маълум бир бастакорлар асари ва ҳ.з.) ўтказиладиган оммавий муסיқий тадбирлар комплекси дир. Муסיқий фестиваллар танлов характерида бўлиши ҳам мумкин. Улар турли даражада- шаҳар, ҳудуд, мамлакат ва халқаро даражада ўтказилиши мумкин.

Муסיқий фестиваллар сони йилдан йилга ўсиб бормоқда. Фақатгина Европада бир йил мобайнида уларнинг сони бир ярим мингдан икки мингга етди. Омманинг фестивалларга бўлган қизиқиши шунчалик кучлики, ҳатто кириш чипталарининг анчагина қимматлигига қарамай талаб таклифдан ошиқдир. Мисол учун, Мюнхенда ўтказиладиган опера фестивалида талаб залдаги жойлар сонига нисбатан беш баробар ошиқ бўлади<sup>1</sup>.

Янги фестивалларни пайдо бўлиши, уларнинг сонини кўпайиши уларга бўлган талаб натижаси сифатида кўриш мумкин. Ушбу талаб қуйидаги омилларга боғлиқдир:

1. Аҳоли ҳаёт даражаси

нинг ўсиши. Бу дам олиш ва хордиқ чиқаришга янги имкониятларни яратиб беради.

2. Янги омманинг жалб этилиши. Мисол учун, мумтоз муסיқа концертлари сон жиҳатдан жуда ҳам чекланган оммани йиғади ва асосан олий маълумотли, ҳамда аҳолининг бадавлат қатламини. Бу ҳолатда кўплаб

---

<sup>1</sup>U.Qoraboev. "O'zbekiston bayramlari" –Т.: "Ўқитувчи" 1991 у., -В. 23.

одамларга ижтимоий маданий тўсиқ пайдо бўлади. Фестиваллар эса ўзларининг заллари билан элита тингловчиларга мўлжалланган залларга нисбатан томошабинларни ўзидан чўчитиб қочириб юбормайди.

3.Фестиваль ташкилотчиларининг катта даромад олиш имконияти. Мисол учун, овоз ёзиш студиялари томонидан машхур кўшиқчилар ижросини ёзиб олиш, ҳомийлар ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотларини реклама қилиш имконияти.

4.Фестиваллар танлов характериға эға бўлиб, бўлажак мусиқа юлдузлари карьерасида зинапоя бўлиши мумкин.

5. Қатор фестиваллар маҳаллий хокимиятнинг сиёсий обрусини оширишға кўмаклашади.

6.Фестиваллардан сиёсий кучлар ҳам манфаатдор бўлади. Сиёсий партияларнинг фестивалларни ташкилий масалаларда қатнашиши бундай тадбирлар ҳомийси сифатида уларнинг имижини шакллантиради, ҳаттоки оммавий ахборот воситаларининг диққат марказиға тушади.

Мусиқий фестиваллар ташкилотчилари йил давомида фаолият юритувчи бошқа стационар маданий муасасаларға нисбатан камроқ харажатлар сарфлаб маълум бир молиявий ва ижтимоий маданий самараға эришишади. Хулоса қилиб айтганда ўша харажатлар эвазига анча кўпроқ фойда оладилар.Фрей ваЎ.Гален томонидан айрим машхур мусиқий фестиваллар бўйича ўтказилган тадқиқотлар фестиваллар ўзига хос ҳаётий циклға эғалигини кўрсатди. Уларнинг хулосалари қизиқ ва қуйидагича: Европа мамлакатларининг давлат ҳукуматлари машхур оммавий маданий тадбирларнинг ҳомийси бўлишға ҳаракат қилиб, улар учун маълум бюджет маблағларни ажратишға ҳам тайёрдирлар. Натижада фестиваллар расмий маданий сиёсат таъсирига дуч келиб, уларнинг дастурларига давлат аралашади, бошқарув эса бюрократлашади. Бундай вазият ўзгача парадоксга яъни ушбу ёки бошқа шаҳарда муқобил фестивални таъсис этишға олиб келади. Янги фестивалнинг эса ҳаётий цикли бошланади.

**Театр фаолиятида менежмент.** Кўплаб замонавий тилларда “театр” сўзи икки маънога эга: бу театр биноси ва театр фаолияти комплекси. “Театр” сўзи этимологик тарзда қадимги юнон тилидан пайдо бўлиб, “кузатмоқ”, “диққат билан қарамоқ” маъносини англатади. XIX асрда Европа мамлакатларининг миллий маданий юксалиши маданий, шу жумладан театрга оид ҳаётни бошқарувчи мувофиқ муассасаларни таъсис қилишни талаб қилди. Миллий театрни яратишда нафақат театрни қуриш, балки ёзувчилар, артистлар, режиссёрлар, муסיқачилар, маданият ходимларини, ҳамда театр чипталарни сотиб олиш билангина эмас балки театр қурилишига хайр эҳсон билан ёрдам қўлини узатувчи ҳомий томошабинни қамраб оладиган муассасаларни ташкил қилиш ҳам тушунилган. Агарда театр хусусий бўлмаса, унга маҳаллий ҳокимият билан бирга давлат ҳам молиявий ёрдам кўрсатиб, унинг директорини тайинлаган ва унинг репертуарини цензурадан ўтказгани ҳам алоҳида роль ўйнайди.

XX асрнинг бошларида бир томондан доимий фаолият юритувчи миллий театрнинг, иккинчи томондан кўчадаги тижорат театр томошаларининг мавжудлиги санъатда рўй бераётган ўша даврнинг ҳаракатларига хос театр арбоблари эҳтиёжларини қондирмади. Давлат томонидан молиялаштирилган ва ҳукумат талабларини ижро этишга мажбур бўлган миллий театрларда қандайдир ўзгартиришлар киритиш қийин эди. Театрга оид тажрибалар кичик залларда ўтказила бошланди. Бунда турли режиссёрлар ўз труппаси билан дастурларининг муҳимлигини исбот қилишга ҳаракат қилар эдилар. Метерлинк, Арто, Рейгардт, Брехт, Пискатор, Крег ва Боб Уилсон, Питер Шуман, Роберт Чули, Питер Брук, Эуженио Барба, Гротовский кабилар томонидан театрнинг расмий меъёрларидан анча йироқ бўлган турли майдонларда ҳар хил тажрибалар ўтказилган<sup>1</sup>. Ўзларининг ғоявий дастурларига мувофиқ муқобил театрлар театр ложаси бўлмаган ва ўринларида тартиб рақами қўйилмаган залларда ёки истироҳат боғларининг очик майдонларида спектакллар кўрсатган.

---

<sup>1</sup>Umar Xayyom. Navro‘znoma. T., Mehnat, 1990, 12 bet

Бродвейдаги тижорат театрлари дотациясиз кун кечирадиган Америка театрининг рамзидир. Мутлақ бозорга йўналтирилган ушбу театрлар томошабинларда қизиқиш уйғотадиган ёки бош роллар кино юлдузлари томонидан ижро этиладиган спектакллар кўяди. Продюсер театрининг бошқарувчисига айланади. У ижодий жамоани жалб қилади, керакли маблағларни топади ва тақсимлайди. Унинг интилишлари биринчи навбатда ижодий муваффақият билан эмас, балки тижорат мақсадлар билан боғлиқдир. Премьерадан олдин продюсер маблағнинг катта қисмини реклама компанияларига кўяди. Актёр, кўшиқчи ва рақосалар театр билан қатъий шартномалар орқали боғлиқ бўлади.

Театр фаолияти менежменти санъат менежментининг йўналишларидан бири бўлиб, уни тушунишда театр санъати соҳасидаги ижтимоий-маданий жараённи кузатиш мақсадга мувофиқдир). Ушбу цикл куйидаги босқичларда айланишни хосил қилади:

1. Бадиий эҳтиёжлар (театр томошабинлари, бадиий ҳаваскорлик);
2. Бадиий таълим : драматик санъати факультети (актёр, режиссёр, ташкилотчилар), амалий санъат факультети (сахна безаги, костюмография));
3. Ижодкорлик (драматик актёрлар уюшмаси, театрлар, театр нашриётлари);
4. Бадиий асарлар (театр томошалари) ёки муҳофаза қилиш ва сақлаш (театр санъати музейлари; театр, кино, радио ва телевидение институти);
- 5.Тарқатиш (спектакллар, гастроллар, фестиваллар, спектаклларнинг телевизион трансляцияси, театротека);
6. Оммани жалб этиш ( театрга оид тадбирлар, ҳаваскорлик, ОАВ материаллари, оммавий театр адабиёти бўйича нашрлар)<sup>1</sup>;

*Репертуар театрда менежмент.* Театр муассаса сифатида ХУ11 ва Х1Х асрлар мобайнида доимий барчага очиқ репертуар театр кўринишда шаклланган. Бугунги кунга келиб ижтимоий ва технологик янгиликларни рўй беришига қарамай театр катта ўзгаришларга дуч келмади.

Театрнинг ташкилий тузилмаси куйидагичадир:

---

<sup>1</sup>Umar Xayyom. Navro‘znoma. T., Mehnat, 1990, 15- bet

- ижодий бўлим
- техник бўлим
- умумий (маъмурий) бўлим

Ижодий бўлим театр фаолиятининг асосий ғоясини ифодаловчиси бўлиб, театр, репертуар сиёсат, постановка ва артистлар билан ишлашни бадиий бошқарувига боғлиқ барча нарсани қамраб олади.

Техник бўлим спектаклни техник тайёргарлиги (устахоналар) ва сахна ишлари (театр сахна безаги, реквизити, ёритиш, овоз, механика ва ҳ.з.) билан шуғулланади.

Умумий бўлимга барча маъмурий, бухгалтерия ва тижорат хизматлари кириб, бунда иш юритиш, ахборот ва реклама ишлари билан шуғулланадилар.

Спектакль (театр маҳсули)ни яратиш театр муассасаси фаолиятининг моҳияти ҳисобланади.

Ишлаб чиқиш жараёни бу ерда барча бўлимлар мураккаб фаолиятининг кўплаб босқичларидан ўтади, чунки артист, режиссёр, муסיқачи ва бошқа ижодкор ходимлар банд бўлган ижодий иш бошқа бўлимлар хизматлари билан ўзаро ҳаракатсиз амалга ошмайди.

Спектакль постановкаси ғоясининг вужудга келишидан бошлаб то уни ҳаётга тадбиқ этилишгача бўлган давр театр фаолиятининг ишлаб чиқиш цикли ҳисобланади ва қуйидаги босқичларни ўз ичига қамраб олади:

1.Репертуарга киритиш учун асарни танлаб олиш:

- бир қанча асарлар билан танишиш;
- постановка учун асарни танлаш бўйича қарор қабул қилиш ва режиссёр

билан шартнома тузиш.

2.Постановкага тайёргарлик:

- спектаклнинг постановка концепциясини ишлаб чиқиш;
- спектаклда қатнашиш учун актёрларни танлаб олиш, уларга ролларни

тақсимлаш;

- керакли ижодкор ходимларни, шу жумладан костюмер, сахна безакчиси, бастакорларни танлаш;

- спектаклни тайёрлаш учун режа тузиш (оператив ва молиявий режалар, алохида ишларнинг бажарилишини белгилаш).

3.Спектакль постановкаси бўйича ишлаш:

- костюм ва сахна беаги эскизларини тайёрлаш;

- пьесани ўқиш;

- мизансцена (спектаклнинг айрим пайтларида сахна беаги ва актёрларнинг жойланиши)ни аниқлаш;

- техник бўлимга вазибаларни тақсимлаш;

- спектаклга жўр бўлган мусиқа (мусиқани танлаш, бастакорга буюртма бериш ёки тайёр мусиқий асарларни ёзиб олиш);

- сахнани тайёрлаш бўйича вазибаларни тақсимлаш.

4. Охирги босқич; спектаклни тайёрлаш бўйича барча (техник ва ижодий)томонларни бирлаштириш.

5.Бир репетиция давомида спектаклни бошдан -оёқ кўриқдан ўтказиш:

- актёрлар билан бирга ёки уларсиз техник репетиция (сахна беаги, мусиқа жўрлиги, проекциялар);

- спектаклнинг охирги репетицияси.

6.Маркетинг режа: премьерага ахборот -реклама материалларини тайёрлаш (афиша, дастурлар ва ҳ.з.), ОАВда эълон қилиш, телевизион клиплар ва видео роликлар тайёрлаш.

7.Премьера

8.Премьерадан сўнг аналитик ишлар:

- ОАВда танқидий материалларни тахлил қилиш ва баҳолаш, уларга жавоб бериш, томошобинларнинг фикрларини ўрганиш, спектаклга мувофиқ тузатишлар киритиш;

- спектакль постановкаси билан боғлиқ ҳужжат ва материалларни йиғиш ва архивга оид қайта ишлаш;

- спектаклга томошабинларни жалб этиш бўйича реклама тадбирлари;

- кейинги маркетинг режани амалга ошириш<sup>1</sup>.

Юқорида кўрсатилгандай, битта спектаклни ишлаб чиқиш учун турли соҳа мутахассисларининг кўплаб сони режиссёрдан тортиб то ахборот-реклама ишлари бўйича мутахассисларгача жалб этилади.

Тугалланган спектакль театрнинг ўзида ҳамда гастролларда ижро этиш учун репертуарга қўшилади. Спектакль, шундай қилиб нафақат бадиий асар, балки санъат бозорида сотиш учун маҳсулотга айланади. Фақатгина шу йўл билан у яшайди, томошабинларга очилади. Спектаклни тайёрлаш жараёни ва унинг репертуар ҳаёти театр мавсумида ўтади. Театр сарф -ҳаражатларининг катта қисми бюджет маблағларидан қопланади. Касса йиғимлари керак бўлган маблағларнинг фақатгина 10-20 фоизни бера олади. Бу ерга бундан ташқари спектаклни телевизион суратга олиш ва трансляция қилиш ҳуқуқини сотишдан тушган даромад ҳам киради. Шунинг учун молиявий жиҳатдан театрлар гастролларни ташкил қилишда манфаатдор эмаслар. Лекин молиявий томондан ташқари яна устун турувчи ижодий жиҳати ҳам бор- бу театр ходимларининг ўз маҳсулини залга тўлган томошабинларга кўрсатиш иштиёқидир. Жамият ҳам табиийки театр маданиятини ривожланишида манфаатдор.

ЮНЕСКО статистик кўрсаткичларига мувофиқ аҳолининг бир фоиздан беш фоизигачагинани театр томошабинлари қаторига киритиш мумкин экан. Ушбу факт театр менежменти олдида маълум масалаларни қўяди<sup>1</sup>. Бундай масалалардан бири бу театр маданиятини тарқатиш. Театр маданиятини тарқатишни ОАВ, нашриёт ва кўрғазмалар орқали амалга ошириш мумкин. Театр музейларининг ҳиссасини ҳам инобатга олиш даркордир. Асосан театр тарихи ва назарияси соҳасида тадқиқот ишлар билан шуғуллана туриб, улар мунтазам равишда катта театр постановкаларининг видеокўрсатувларини ташкил қилиб турадилар.

---

<sup>1</sup>Umar Xayyom. Navro'znoma. T., Mehnat, 1990, 15- bet.

<sup>1</sup>Xalq so'zi» gazetasi, 2007-yil, 23-fevral

## **1.2 Бўш вақтни мазмунли ўтказиш маданият ва аҳоли дам олиш маркази фаолиятининг асосий мезони ўрни**

Марказий Осиё халқларининг анъана ва байрамлари табиат ўзгаришлари, иқлим, йил фасллари, аҳолининг турмуш шароити, меҳнати, маданияти асосида шаклланиб, ривожланиб боргани учун ҳар фаслга мос, яъни эрта баҳорда – меҳнат мавсумига киришдан олдин (Наврўз, Гул сайли, Шох мойлаш), ёзда – ҳосилни йиғиштиришдан олдин (Сув сайли, Чой момо, Шамол чақириш) кузда – ҳосил йиғиб олинганидан сўнг (Хирмон тўйи, Қовун сайли, Узум сайили) ва қишда – чорвадор-деҳқонларда бўш вақт кўпайганида (Қорхат, Ясан-тусан, Гап-гаштак, Қурултой) каби мавсумий маросим ва байрамлар ўтказилган. Шунингдек, ўрта асрларга хос маданий-маърифий тадбирлар: «Мунозара», «Китобхонлик», «Мушоира», «Баҳрубайт», «Айтишув», «Баҳслашув», «Китобхонлик», «Достонхонлик», «Эртақхонлик», «Қасидахонлик», ва ҳоказолар. Халқ тадбирлар: «Гул сайиллари», «Наврўз», «Қуш оши», «Тут сайили», «Ток оши», «Қовун сайили», «Узум сайили», «Хирмон тўй», «Қорбоши», «Гап-гаштак», «Қурултой», ва бошқалар пайдо бўлган.

Айниқса, «Мушоира», «Мунозара», «Баҳрубайт», «Айтишув», «Баҳслашув», каби тадбирлар кенг тарқалган. Мушоира – шеърятнинг ўзига хос баҳс-мусобақа жанри сифатида намоён бўлди. Мушоира оғзаки ёки ёзма тарзда яратилиб, халқ ижодиётида ҳам кенг тарқалган. Мушоирага монанд жанр бошқа халқларда, масалан, қозоқ ва қирғизларда «айтишув»лар ҳам бўлган.

Одатда, мушоира ижодий ҳамкорликнинг бир кўринишидир, Бу жанрда икки ёки ундан ортиқ шоир шеър айтишади, ижодий мусобақалашади. Шеър бир мавзу, бир вазн бир хил қофия тартибида бўлиб, улар ғоявий-эстетик ва поэтик жиҳатдан узвий бирикади ва яхлит асарни вужудга келтиради. Фирдавсийнинг машҳур қаламкашлар – Унсурий, Асжадий ва Форрухий билан мушоира қилиб, ғолиб чиққани ҳақида ривоятлар бор. Гўё шу мушоирадан кейин Фирдавсий «Шоҳнома»ни ёзишга киришган экан.

Мушоира шеърхонлик, адабиётчилар йиғин-тадбири маъносида ҳам ишлатилади. Бундай мушоирада бир неча шоирлар аниқ бир мавзу (масалан, баҳор)га бағишлаб, навбат билан шеърлар ўқишган.

Ўзбек халқ анъаналарининг муҳим қисмини вужудга келтирган мавсумий одатлар ижтимоий тараққиёт жараёнида жамиятини моддий-маънавий камол топишида зарурий омил сифатида намоён бўлади. Чунки, ўзбек халқи истиқомат қилган ҳудуднинг географик ўрни, табиати, йил фасллари, қабиларнинг ўзига хос хусусиятлари асосида мавсумий одат, байрам ва маросимлар вужуга келиб, улар маҳаллий аҳолининг тафаккури, характери, идроки, ҳис-туйғулари, иродаси, қобилиятларини шакллантиришда муҳим ўрин тутди. Мавсумий анъаналар шаклланишида маҳаллий аҳоли истиқомат қиладиган табиий шароити, иқлими билан боғлиқ бўлган моддий маданияти, меҳнат тажрибалари, экологик онги, халқ эътиқодлари, халқ ижоди, турмуш маданияти каби маънавий соҳалар катта рол ўйнайди.

Ўзбек халқининг энг муҳим маънавий қадрияти сифатида ҳар фаслга мос анъаналар тизими шаклланиб, улар орасида эрта баҳорда – меҳнат мавсумига киришдан олдин, ёзда – ҳосил йиғишдан олдин, кузда – ҳосил тўплангандан сўнг ва қишда – далалар «уйқуга кетиб», меҳнаткашларнинг бўш вақти кўпайиб, маданий дам олиш эҳтиёжи қондирилганда уюштирилдиган одат, маросим, байрамлар меҳнаткашлар ҳаётида муҳим ҳодиса ҳисобланган. Асрлар давомида авлоддан – авлодга ўтиб, анъанага айланган: баҳорги - «Қурултой». «Гул байрамлари», «Наврўз», «Дарвишона», «Кўш оши» (Шохмой), ёзги - «Сув сайли», «Чой момо», кузги – «Анжир сайли», қишки – «Ясан-тусан», «Гап-гаштак», «Қорхат» каби маросим ва байрамлар деҳқонлар ҳаёти, турмуши, мавсумий меҳнат жараёнида ва маънавий оламида самарали шакллар бўлиб, уларнинг мазмуни ёшларнинг экологик онгини раванқ топтириш, табиат бойликларини қадрлаш, йил фаслларида вужудга келадиган гўзалликлардан завқланиш, меҳнатнинг қадрига етиш, инсонийликни улуғлаш каби функцияларни бажаришда яхши хизмат қилган.

Халқ анъаналари орасида мустаҳкам маънавий заминга эга бўлган оилавий маросимлар ёшларни ахлоқий фазилатларини камол топтиришда муҳим ўрин тутди. Асрлар оша шаклланган ўзбек халқ оилавий маросимларининг асосий моҳияти – инсон ва оила ҳаётидаги энг муҳим, йирик ҳодисаларни нишонлаш, уларни ташкил қилиш жараёнида аҳиллик, имон-этикод, иззат-икром, меҳр-оқибат, одоб-ахлоқ, меҳмоннавозлик, биродарлик каби инсоний фазилатлар намоён бўлади. Ўзбек оилаларида чақалоқ туғилганидан, то у улғайиб, янги оила кургунга қадар содир бўладиган муҳим воқеаларни қайд қиладиган маросимлар тизими вужудга келган. Мазкур тизимга кирган «Чақалоқ дунёга келиши», «Исм бериш», «Чақалоқ чилла», «Бешик тўй», «Соч тўй», «Тиш тўй», «Биринчи қадам», «Суннат тўй», «Мучал тўй», «Никоҳ тўй» кабилар ёш авлодни ривожланиши ва маънавий камол топиши учун ўзига хос маънавий «зина»дир.

Оилавий маросимлар халқ педагогикаси ва халқ донишмандлиги билан уйғунлашиб, асрлар давомида ёшлар тарбиясининг асосий шаклларида бири бўлиб келган. Оилавий маросимлар меҳрибонлик, меҳмондўстлик, олийжаноблик, қардошлик, иноқлик каби хислатлар ва вужудга келадиган яхши руҳий-ахлоқий ҳолат ёшлар тарбиясига ижобий таъсир этади. Шунингдек, оилавий тадбирлар тасарруфида авлоддан-авлодга ўтиб, тарих синовларидан бардош берган ранг-баранг халқ одатлари, фольклоре жанрлари (ўлан, лапар, ёр-ёрлар, маросим кўшиқлари), рақслар, ўйин-мусобақалар, тўй олқишлари, дуолари кабилардан самарали фойдаланиш – ёшларни маънавий баркамол фазилатларини тарбиялаш ишларида катта аҳамиятга эгадир.

ХИХ аср охири – ХХ аср бошларида Чор Россияси ўз сиёсати билан бирга, бу ерга ўз маданиятини ҳам олиб киришга интилди. Совет ҳокимияти даврида барча миллат кишиларини ягона совет халқига айлантириш мақсадида миллий онг, халқ анъаналари, маънавий қадриятларга қарши норасмий кураш олиб борилди. Натижада, ўзбек халқ анъанавий маданияти ҳам ўз «томирлари»дан узилиб қолди. Халқ анъаналарини таъқиблаш

«тўлқинлари» вақти-вақти билан кучайиб турарди. Унинг биринчи «тўлқини» октябрь тўнтариши натижасида шўролар ҳокимиятга чиққанидан сўнг – 1920-йилларда, иккинчиси қатағон даври – 1930-йиллар ўрталарида, учинчиси ИИ жаҳон урушидан сўнг 1950-йилларда, тўртинчиси «совук уруш» даври – 1970-йилларда, бешинчиси, Мустақиллик арафаси – 1980-йиллар охирида содир бўлди. Халқнинг анъанавий байрамлари расмий давлат байрамларига киритилмай, таъқиқланди. Шўролар даврида «жонли газета», «оғзаки журнал», «агит томоша», «театрлаштирилган карнавал», «агит суд», «Оммавий томоша», «Агритбригада чиқишлари», «митинг – концерт» каби тадбирлар машҳур бўлган.

#### *Ўзбекистонда Мустақиллик йилларида шакланган маданий тадбирлар*

Мустақиллик туфайли ўзбек байрамлари тарихида янги саҳифа очилди. Бу даврда миллий анъаналарни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, халқимизнинг тарихий мероси бўлган анъаналар («Наврўз», «Рўза ҳайит», ва «Қурбон ҳайит»лар) расман тикланди, истиқлолнинг янги байрамлари («Мустақиллик куни», «Конституция куни», “Ўқитувчилар ва мураббийлар куни», «Хотира ва кадрлаш куни» кабилар) жорий этилди, умуминсоний кадриятларни тарғиб қилувчи байрамлар («Янги йил байрами», «Хотинқизлар байрами» кабилар) сақланиб қолинди, жаҳон маданиятига муносиб ҳисса қўшган аждодларимиз таваллудларини нишонлаш, халқаро анжуманлар ҳам халқимизнинг байрамларига айланиб келмоқда.

Истиқлол йилларида Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1993), Феруз (1995), Баҳоуддин Нақшбандий (1995), Мирзо Улуғбек (1994), Нажмиддин Кубро (1994), Амир Темур (1996), Имом ал-Бухорий (1998), Аҳмад Фарғоний (1998), Жалолиддин Мангуберди (1999), Камолиддин Беҳзод (2000), ал-Марғиноний (2000) ва Мотуридий (2000) каби буюк аждодларимиз таваллудининг йирик саналари ЮНЕСКО билан ҳамкорликда нишонланиши яққол мисолдир.

Қадимий обидаларининг кенг кўламда таъмирланиши, Бухоро, Самарқанд, Хива, Шаҳрисабз каби шаҳарларда, Кува, Челақ туманларида янги меъморий

ёдгорликларнинг бунёд этилиши, Бухоро, Хива, Термизнинг 2500 йиллиги ва Шахрисабзнинг 2700 йиллиги тантаналарининг нишонланиши юртдошларимизни ҳам, мамлакатимизга келган меҳмонларни ҳам қойил қолдирган.

### **Маданий тадбирлар таснифи ва аҳамияти**

Маълумки, маданий-маърифий фаолиятининг иш шакллари хилма-хил ва жуда кўп. Улар ҳақида тўлиқ ва тизимли тушунчага эга бўлиш учун махсус тасниф (классификация) даркор. Илмий адабиётларда бир неча хил тасниқ ёки туркумлаш мавжуд. Улар ичида иккитаси ҳақиқатга яқиндир: биринчи хил таснифлашга маданий-маърифий иш шаклларида қатнашадиган кишиларнинг сони асос қилиб олинади. Улар қуйидагилардан иборат: якка (индивидуал) гуруҳли ва оммавий шакллар.

1. **ЯККА ШАКЛЛАР** - мутахассис ва тингловчи билан индивидуал суҳбат, у якка амалий машғулот сифатида намоён бўлади.
2. **ГУРУҲЛИ ШАКЛЛАР** – тахминан 7-30 киши қатнашадиган тадбирлар, улар мунозара, семинар, суҳбат, экскурсия, бадиий ҳаваскорлик коллективлари, машғулотлари кабиларни ўз ичига олади.
3. **ОММАВИЙ ШАКЛЛАР** – катта сонли жамоага мўлжалланган тадбирлар: маърузалар, савол-жавоб кечалари, оғзаки журналлар, мавзули кечалар, оммавий томошалар, байрамлар ва ҳоказолардан вужудга келади.

Бу каби оммавий шакллар маданий-маърифий ишларнинг асосий қисмини ташкил қилади.

Иккинчи тасниф, маданий-маърифий иш шаклларида таъсирчан воситалардан ва усуллардан фойдаланиш асосида вужудга келади. Бу хил тасниф кўпроқ маданий-маърифий муассасалардаги ахборотга бой маърифий тарғибот-ташвиқот ишларга хосдир. Улар учга бўлинади: монологик, диалогик ва комплекс шакллар.

1. **МОНОЛОГИК ШАКЛЛАР** деганда, нотиқнинг асосан оғзаки – «жонли»

сўзи ҳамда бошқа таъсирчан воситалар орқали аудиторияга ахборотлар берадиган тадбирлар тушунилади. Масалан: маъруза, ахборот кабилар.

2. **ДИАЛОГИК ШАКЛЛАР** деганда, тадбирларнинг мулоқот, суҳбат, фикр алмашишларидан ташкил топиши тушунилади. Унга суҳбат, мунозара, учрашув, савол-жавоб кечалари киради.

3. **МАЖМУА (КОМПЛЕКС) ШАКЛЛАР** деганда, монологик ва диалогик нутқлар ишлатиши билан бирга бошқа таъсирчан воситалардан ҳам фойдаланиш мумкин бўлган тадбирлар назарда тутилади. Масалан: оғзаки журнал, мавзули кеча ва бошқалар.

Ҳозирги маданий-маърифий ишларда кенг тарқалган шакллар бу биринчи туркумлашдаги оммавий ва комплекс шакллардир. Улар бирлашиб «ОММАВИЙ ТАДБИРЛАР»ни вужудга келтиради. Тадбирлар қизиқарли, таъсирчан, мароқли, бўлиши учун кўпроқ бадиий воситалардан фойдаланилади. Шунинг учун оммавий тадбирлар тушунчасига бадиий деган сўз ҳам қўшилади. Натижада бу «Бадиий-оммавий тадбирлар» тушунчасига айланади. Улар маданий-маърифий муассасаларнинг бадиий фаолиятини яхшироқ очишга ёрдам беради.

Тадбирларда кенг қамровли ишлар олиб борилади ва кишиларнинг ишдан бўш вақтида, керакли ахборотлар бериш, бадиий-эстетик завқлантириш, маданий-ижодий ишга жалб қилиш ҳамда уларнинг мазмунли ҳордиқ чиқаришлари учун хизмат қилади. Шунинг учун унга кенгроқ тушунча ва атама зарур бўлмоқда. Уларни кенг қамрови «маданий тадбирлар» деб «оммавий тадбирлар» деб атасак яхши бўлади. Кези келганда шуни айтиш лозимки, «оммавий тадбирлар», «бадиий тадбирлар», атамаларига ҳам мурожаат қилиш мумкин.

Маданий тадбирларга турли кечалар, бадиий композициялар, бадиий чиқишлар ва дискотекла дастурлари, театрлаштирилган концерт ва томошалар, халқ маросимлари ва сайиллари, оммавий байрамлар, кўрик танловлар каби кўплаб шакллар киради. Тадбирлар маданий-маърифий муассасаларнинг асосий ва энг йирик шаклларини ўз ичига қамраб олади.

Маданий тадбирларнинг энг афзаллик томони шундаки, улар маданий муассасаларнинг кенг қамровли фаолиятини ўзида мужассамлаштиради. Жумладан, улардан маърифий тарғибот-ташвиқот иши, ҳаваскорлик ижоди, бўш вақтни мазмунли ташкил қилиш каби фаолиятлар уйғунлашиб кетади. Тадбирларнинг ҳар бир шаклига, масалан, оммавий байрамлар, анъанавий маросимлар, театрлаштирилганда уларда маърифий характердаги мазмунни, ҳаваскорлик ижодининг натижаларини, бадиий-эстетик завқланиш ва маданий ҳордиқ чиқариш учун яратилган қулайликларни яққол сезиш мумкин. Шу сабабли, тадбир маданият-маърифий муассасалардаги барча фаолиятининг умумлаштирилган кўзгусидир.

Оммавий тадбирларни тарбиявий ва маданий иш сифатида барча давлат муассасалари, касаба уюшмалари, ёшлар уюшмалари, оммавий ахборот воситалари, санъат муассасалари, муҳофаа ташкилотлари, маҳаллалар, спорт экскурсия ташкилотлари ҳам уюштиришади. Улар ўз ишининг бир бўлаги сифатида (асосий вазифадан ташқари) бадиий-оммавий тадбирлар орқали тарбиявий, маданий-маърифий ишни, ҳаваскорлик ижодини ва меҳнаткашларнинг дам олишини ташкил қиладилар. Маълумки, маҳаллаларда ўтказилаётган маънавий маърифий тадбирлар ёшларнинг ва ёш оилаларнинг ҳаётига жуда катта ижобий таъсир кўрсатади. Халқимизда “Бир болага етти маҳалла ота-она”, “Маҳалланг тинч- сен тинч” деб бкорга айтилмаган. МАҲАЛЛА билан маданият ва аҳоли дам олиш марказларининг ҳамкорлиги оилалар мустаҳкамлиги ва баркамол авлодни тарбиялашнинг гаровидир. Мустақиллик сабаб халқимизнинг маънавий қадриятлари жаҳон миқёсида эътироф этилаётгани фахрлидир.. Ўзбек мусиқаси, театри, киноси, тасвирий санъати ҳозирги кунда ҳам жаҳон жамо кўрсатаатчилигини қизиқтирмоқда. Халқ ижодиётининг буюк намъунаси – «Алпомиш» достони яратилганлигининг минг йиллик тантанаси, тарихий меросимиз «Авесто»нинг яратилганига 2700 йиллигига оид тантаналар аждодларимизнинг бебаҳо меросига қизиқишимизни янада оширди. Шунингдек, Ватанимизда «Тошкент кино фестиваллари», «Наврўз» ва

«Шарқ ва Ғарб» халқаро театр фестиваллари, тасвирий санъат бўйича халқаро кўргазмалар, халқ ижодининг турли жанрларига бағишланган кўрик-танловлар ўтказиш анъанага айланмоқда.

Ўзбекистонимизда истиқлол йилларида янгича маданий тадбирларнинг кўпайиб бораётгани сабаб муסיқа санъатига катта ривож алоҳи бераётган «Ўзбекистон – Ватаним маним!» , “Ниҳол” республика кўрик танловлари, ижодкорларнинг катта ижодий мусобақаси «Офарин» танлови, истеъдодларнинг яна бир ўзига хос танлови “Эътироф” танлови каби кўрик-танловларнинг ўрни бекиёс. Халқ оғзаки ижодининг алла, ялла, лапар, аския, катта ашула, дорбозлик, қўғирчоқбозлик каби кўплаб жанрлари ҳамда этнографик фольклор, ашула ва рақс жамоаларининг танловлари ҳам кўплаб санъат ихлосмандларининг эътирофига сабаб бўлмоқда.

Буюк маданият ва санъатимизга бағишланган халқаро анжуманлар халқимизнинг бадиий меросига ва замонавий ютуқларига хорижликларнинг ҳам ҳурмат билан қараётганлари ҳам сир эмас.

Мамлакатимизда байрамлар ўтказиш борасида ибратли ишлар қилинмоқда. Энг улуғ ва энг азиз байрамлар («Мустақиллик», «Наврўз»)ни ташкил қилиш борасидаги тажрибаларимиздан қўшни мамлакатларда ҳам фойдаланишаётганлиги ҳар бир .санъат ихлосмандининг кўнглига ўзгача фахр беради.

Вақт бетухтов ҳаракатдан иборат.Бу ҳаракатни ҳеч бир кимса на тўхтата олади, на ортга бура олади.

Вақт шундай бир бебаҳо бойликки, уни на сотиб, на қарзга олиб бўлади.

Вақт ҳеч қачон кутиб турмайди: муайян бир вақт ичида бирон-бир, ҳеч нарса қилмасангиз ҳам у ўтаверади. Аммо инсон муайян вақт ичида фойдали, унумли бир ишни бажара олишга улгура олиши ва ундан оқилона фойдаланиб қолиши керак.Чунки инсон вақтни бошқаради, вақт инсонни эмас.

Инсон вақт ўтиши билан улғаяди. Бироқ, унинг келажакда қандай инсон бўлиб вояга етишиши вақт деб аталмиш бебаҳо бойликдан самарали

фойдаланишига боғлиқ. Халқимизда “Вақтинг кетди – нақдинг кетди”, деган гап бор. Дарҳақиқат, вақтдан оқилона фойдалана олган кишиларгина бахтиёр бўлиб, ҳаётда кўп нарсага эришадилар, жамият учун фойдали иш қилиб, муносиб ном қолдирадилар. Бўш вақтдан оқилона фойдаланиш хайрли ишларни амалга оширишда ўта муҳим аҳамият касб этади.

Бўш вақт тушунчаси нисбий бўлиб, уни “эркин вақт” деб ҳам аташ мумкин. Чунки, инсоннинг кундалик меҳнатдан, турмуш ташвишларидан холи бўлиб, маданий дам олиши бўш вақт ҳисобланади.

**Бўш вақт** -дам олиш, чарчоқ чиқариш,маънан ва жисмонан ривожланиш учун сарфланадиган вақт. Ундан қандай фойдаланиш ҳар кимнинг ўз ихтиёрида. Бўш вақтда билим ва малака ошириш, ижтимоий-сиёсий фаолият, спорт ва ҳаваскорлик ижодиёти билан шуғулланиш, маданий ҳордиқ чиқариш, сайр қилиш каби кўплаб фаолиятлар билан машғул бўлиш тушунилади.

Агар кишиларнинг кундалик (24 соат) умумий вақт бюджетини 4 қисмга бўлсак, унинг бир қисмини – иш вақти (7-8 соат), иккинчи қисмини – бўш вақт (4-5 соат), учинчи қисмини – уйқу (7-8 соат) қолган қисмини бошқа зарурий фаолиятлар – ишга бориш учун транспортда, пиёда юриш ва ҳоказолар (4-5 соат) ташкил қилар экан.

Бўш вақт миқдорига кўра дам олиш, ҳафталик дам олиш кунлари, байрам кунлари ва йиллик дам олишларга бўлинади.

**Кундалик дам олиш** – бир кун давомида, яъни иш вақти тугагандан кейинги фаолиятни ўзичига олади. Кундалик дам олиш фаолиятлари ичидаги кенг тарқалганлари тоза ҳавода сайр қилиш, радио ва телевидение дастурларини эшитиш ва томоша қилиш, китоб мутолаа қилиш, бадан тарбия билан шуғулланиш кабиларни киритиш мумкин.

**Ҳафталик дам олиш** – Шанба ва якшанба кунлари бажарадиган фаолиятларни ўз ичига олади. Бу дам олиш кунлари тавсия этиладиган фаолиятларга шаҳар чеккасидаги сайилгоҳларга чиқиб ҳордиқ чиқариш,

кариндош – уруғ, ёру дўстлардан хабар олиш, томорқа ишлари билан шуғулланиш назарда тутилади. Кундалик ва ҳафталик дам олиш мазмунли ва мароқли ўтишида маданият ва санъат муассасалари ва спорт тўғараклари фаолияти алоҳида аҳамият касб этади.

Одатдахурсандчилик, шодлик ва қувончга бой дам олиш лаҳзалари байрам кунлари намоён бўлади. Унга олдиндан тайёргарлик кўрилади, энг яхши либослар кийилади, лаззатли таомлар тайёрланилади. Айнан шу кунларда телевидение, радио, маданият ва санъат муассасалари ўзларининг энг яхши дастурларини намоёниш этади.

**Ҳар йилда бир марта дам олиш** - ҳар йил қонуний равишда ҳақ тўланиб, ҳордиқ чиқаришга имконият берувчи таътиллاردир. Бунга соғлиқни мустаҳкамлаш учун санаторийлар, туристик базаларда дам олиш ва шу кабилар киради.

Бўш вақт шахс камолоти ва жамият тараққиёти учун бебаҳо неъматдир. Чунки бўш вақт ижтимоий бойлик ҳисобланиб, шахс маънавиятининг юксалиши учун хизмат қилади. Пировард натижада бўш вақт меҳнат унумдорлигини оширишда муҳим омил ҳисобланади. “Яхши дам – меҳнатга ҳамдам”, дейди халқимиз. Агар инсон қанчалик яхши ва унумли меҳнат қилса, шунчалик самарали ва мазмунли дам олишга эҳтиёж сезади. Ўз навбатида шу нарса этиборга моликки, яхши ҳордиқ чиқара олмаган киши кўнгилдагидек меҳнат қила олмайди. Шундай экан бўш вақтдан самарали фойдаланиш кишиларнинг меҳнат жараёнида сарф бўлган куч қувватларини тиклаш, соғлиқларини мустаҳкамлаш, руҳиятларини тетиклаштириш демакдир.

**Хулоса** қилиб шуни айтиш мумкинки, бугунги кунда маданий-маърифий муассасалар фаолиятида миллий маънавият масалалари билан шуғулланиш асосий соҳа бўлгани сабабли, маданият муассасалари комил инсонни тарбиялаш жараёнига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшишга масъул ҳисобланади, чунки келажакда буюк давлат эгаси бўладиган комил инсонни

тарбияламасдан, уни ахлоқий жиҳатдан баркамол қилмасдан туриб ривожланиш вазифаларини ҳал этиш мумкин эмас. Маданият муассасалари кишиларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил қилиш, шахс маънавиятини ҳар томонлама ривожлантириш ва уларнинг ижтимоий-маданий фаоллигини ошириш жараёнларини узлуксиз таълим-тарбия тизими шаклида амалга оширади. Маданий меросимизни эски андозалару ёндашувлардан холи холда чуқур ва ҳар томонлама тадқиқ этиш, ноёб тарихий ёдгорликларни сақлаш ва таъмирлаш, халқимиз яратган, аммо турли сабабларга кура чет элларга чиқиб кетган маданият бойликларини излаб топиш ва ўрганиш бўйича ишларни тизимли ва тадрижий давом эттириш билан боғлиқ вазифалар шулар жумласидандир. Айни пайтда, фан, адабиёт, санъат, умуман миллий маданиятимизнинг барча соҳаларини жаҳон маданияти ютуқлари асосида бойитиш ва ривожланишнинг янги босқичига кутаришнинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир.

Буларнинг барчаси ўз навбатида мустақиллик руҳиятига сингган, юрт манфаати ва миллат истиқбол йўлида қайғурадиган янги инсонни тарбиялашдек бош вазифани ҳал этишга хизмат қилишини ҳам алоҳида таъкидлаш зарур.

Маданият жабҳасида фаолият курсатаётган турли ижодий ташкилотлар ва бирлашмалар эса аҳолининг маданий эҳтиёжларини тўлақонли қондириш, миллий маданият, адабиёт, санъат, мусиқа, театр, кино ютуқларини, маънавий ва ахлоқий кадриятларни кенг тарғиб этиш борасида сермахсул натижаларга эришаётганларини алоҳида қайд этиш лозим. Ҳамда ушбу тадбирлар ўз навбатида маданият ва аҳоли дам олиш марказларининг моддий техник базасини яхшилаш учун ҳам хизмат қилмоқда. Чунки, ҳар бир уюштирилган тадбирдан маданият аҳоли дам олиш марказига давлат томонидан ҳам маблағ кўчирилса, иккинчи томондан, ҳамкорлик қилган маҳалла томонидан ҳам пул-тушумлари бўлади. Бу эса, маданият ва аҳоли дам олиш маркази раҳбарининг қанчалик раҳбарлик фаолиятини аниқ ва узоқни кўра билиш қобилиятини ҳам намоён этади.

## **II БОБ МАДАНИЯТ ВА АҲОЛИ ДАМ ОЛИШ**

### **МАРКАЗЛАРИНИНГ МАҲАЛЛА ВА ОИЛА БИЛАН ҲАМКОРЛИК**

#### **ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ**

#### **2.1 Маданият ва аҳоли дам олиш марказларида маданий тадбирларни уюштириш масалалари**

Ватанимизнинг келажаги, халқимизнинг эртанги кунни, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори авваламбор фарзандларимизнинг унуб-ўсиб, улғайиб, қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб боришига боғлиқдир. Биз бундай ўткир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз лозим.<sup>1</sup>

Бугунги ёшлар эртага жамиятимизнинг тақдирини белгиловчи авлоддир. Биз бугун ёшларга қандай тарбия берсак, бизнинг келажагимиз ҳам ушандай бўлади. Ёшларни келажакка муносиб тайёрлаш, уларга яхши таълим бериш, уларни меҳр-оқибатли, илмпарвар саҳрватли, меҳнатсевар, ватанпарвар, одобли, ахлоқли қилиб вояга етказиш жамиятимизнинг асосий вазифаси бўлиб қолмоғи лозим.

Болалар тарбияси билан оила, болалар боғчаси, мактаб ва бошқа билим юртлари шуғулланиши барчага маълум. Бироқ уларнинг, айниқса, билим юртларининг тасарруфидан ташқарида ёшларнинг ўқишдан, ишдан ташқариги бўш вақти қолмоқда. Бўш вақтда эса болалар хоҳлаган нарсалари билан шуғулланмоқда. Бекор қолган болаларнинг муайян қисми салбий оқибатларга олиб келувчи «фаолиятлар» билан ҳам машғул бўлишмоқда.

Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишда маданий-маърифий муассасалар (айниқса, клуб, маданият саройи, маданият уйи кабилар)нинг имконияти каттадир. Ўқув юртлари, асосан, болаларга билим-таълим бериш билан шуғулланса, маданий-маърифий муассасалар уларнинг бўш вақтларини мароқли ўтказишга кўмак беради. Бироқ жойлардаги маданият муассасалари аҳолининг барча қатламлари учун умумий тадбирлар тайёрлашмоқда.

---

<sup>1</sup>О'zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi. - Т.: О'zbekiston, 1992.

Улар ёшларнинг эҳтиёжи, қизиқиши ва уларнинг руҳиятига мос тадбирларни тайёрлашга алоҳида эътибор беришмаяпти. Натижада маданий-маърифий муассасаларнинг ёшларни маънавий, ахлоқий, руҳий, бадиий тарбиялаш борасидаги фаолияти керакли даражадан паст бўлмоқда.

Ҳозирги пайтда ёшларнинг бўш вақтини самарали, ижтимоий фойдали қилиб уюштириш махсус тадқиқотларга молик муаммолардан бири бўлиб, у олимларимиз ва мутахассисларимиз томонидан жиддий эътиборни кутиб турибди. Бу борадаги маданий-маърифий муассасалар тажрибаси махсус ўрганишни, умумлаштиришни, таҳлил ва тарғиб қилишни талаб қилмоқда.

Тадқиқотимизда юқорида қайд қилинган муаммолардан келиб чиқиб, маданий-маърифий муассасаларда ёшлар учун махсус тадбирлар тайёрлаш масалаларига тўхталишга ҳарака қилдик. Маданият ва аҳоли дам олиш марказлари фаолияти ҳар томонлама оила ва ёшларга қизиқарли бўлмоғи диққат марказимизда бўлди.

Маданият ва аҳоли дам олиш марказлари ёшларнинг севимли маскани сифатида маънавий-маърифий, ғоявий-сиёсий, бадиий хаваскорлик ишларни ва бўш вақтини мазмунли уюштиришда муҳим рол ўйнаши шубҳасиз.

Маданият ва аҳоли дам олиш марказлари фаолиятларини ёшларнинг бўш вақти асосида иш олиб боради. Ёшларнинг асосий иши, ўқишдан ташқари ҳар хил мазмун ва шаклдаги «иккинчи» фаолият билан шуғулланишларига имконият яратади. Бу кунгилли фаолият ёшларнинг ҳордиқ чиқаришга, билимни, дунёқарашини ўстиришга, ижодкорлигини оширишда муҳим омил ҳисобланади.

Маданият ва аҳоли дам олиш марказлари ёшлар учун қуйидаги вазифаларни бажаради:

Маънавий-маърифий ишларни олиб бориш.

Хаваскорлик ижодини уюштириш.

Маданий дам олишни ташкил қилиш.

## **Маданият ва аҳоли дам олиш марказлари ёшлар учун тадбирлар уюштиришдан олдин маҳаллий ёшларнинг:**

- маънавий эҳтиёжлари;
- қизиқишлари;
- билим даражалари, касби;
- маданий савиялари;
- ижодий имкониятлари;
- вақт бюджети ва бўш вақти;
- ташаббускорлиги ва уюшқоқлиги

каби кўплаб омиллар ҳисобга олинмоғи даркор. Акс ҳолда ушбу тадбирлар ёшлар учун қизиқарли бўлмай қолади. Мазкур омилларни ҳисобга олиш, ўрганиш, билиш учун ёшлар ўртасида ёзма ва оғзаки сўровлар, сўхбатлар, кўзатишлар ўтказилиши лозим. Сўровларда ёшларга:

қайси мавзулар,  
қандай шакллар (тадбирлар),  
қайси таъсирчан ғоявий-бадий ва техник воситалар ёқишини  
ўрганмоқ лозим.

Ёшларни қизиқтирган мавзуларни муайян мантиқий тизимга солиб, уларнинг мазмунига мос шакллар танлаб, ёшлар учун махсус тадбирлар режасини тузиш лозим.

### **Замонавий ёшларни қуйидаги мавзулар қизиқтиради:**

1. Тарихий мавзулар.
2. Миллий қадриятлар.
3. Халқ анъаналари.
4. Одоб, ахлоқ.
5. Кийиниш маданияти.
6. Дўстлик ва дўстликни сақлаш.
7. Қиз ва йигитлар муносабатлари.
8. Муҳаббат, севиш ва севилиш.
9. Бўш вақтни фойдали ўтказиш.

10. Меҳмондўстлик.

11. Озодалик ва тозалик.

12. Ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик оқибатлари.

13. Оила файзи ва ҳоказолар.

Маданият ва аҳоли дам олиш марказлари ёшларни қизиқтирган мавзуни мантиқий тизимга солганидан сўнг уларга қандай шакллар-тадбирлар ёқишини ҳам аниқлаши лозим. Маданият ва аҳоли дам олиш марказлари иши, шакллари эса кўп ва ранг-барангдир: маъруза, маънавий мулоқот, доклад, ахборот, суҳбат, семинар, мунозара, конференция, ижодий учрашувлар, савол-жавоб кечалари, оғзаки, журнал, кеча, концерт, спектакль, оммавий томоша, халқ сайллари, байрамлар, карнаваллар, рақс кечалари, фестиваль, дискотекалар, экскурсия, маданий сайр, викторина, кўргазма, кўрик-танлов ва ҳоказолар.

Айтайлик, ёшлар кўпроқ дам олиш кечалари, ижодий баҳс, учрашувлар, дискотека, эстрада концерт, театрлашган томоша, халқ сайллари, саёҳат каби шаклларни танлашади. Маданият ва аҳоли дам олиш марказлари ходимлари кўпроқ ана шаклларга лозим даражада эътибор бермоқлари лозим.

Ёшларни қизиқтирган шакллар аниқлангандан сўнг, Маданият ва аҳоли дам олиш марказлари маҳаллий маҳаллий ёшлар фаоллари билан ҳамкорликда йиллик тадбирлар режасини тузадилар, режада тадбир ўтказиладиган сана, тадбир номи, шакли, ўтказилиш жойи ва масъул шахслар аниқланади.

Тадбирлар режаси ёшлар эҳтиёжи ва маҳаллий шароитдан келиб чиқиб бойитилиши ёки ўзгартирилиши мумкин. Қандай бўлмасин режалаштирилган тадбирлар ёшларнинг қизиқишига хизмат қилиши керак. Вақт ўтиши билан бу тадбирлари ҳам ёшларнинг севимли машғулотига айланади. Шундан келиб чиқиб келгуси йилги режада қайси тадбирларга кўпроқ, эътибор беришни ҳаётнинг ўзи кўрсатади.

Ёшлар учун тадбирлар тайёрлаш масъулиятли ва ўзига хос.

«Бўш вақт-ижтимоий бойлик» дейишади. Инсон қобилиятини такомиллаштириш, билим олиши маънавий камол топиш, жисмоний ривожланиш борасида бўш вақтнинг хизмати катта. Бўш вақтдан самарали фойдаланиш бу биринчидан, меҳнат унумдорлигини ошириш, иккинчидан, кишиларнинг ишда сарф бўлган кучини тиклаш, учинчидан, соғлиқни мустаҳкамлаш, руҳиятни тетиклаштириш демакдир.

Маданий дам олиш жараёни деярли барча тадбирларда ўзига хос кечади. Бироқ, шундай тадбирларни ташкил қилиш керакки, уларда ёшларнинг мазмунли дам олиши, хордиқ чиқариш асосий вазифа қилиб қуйилсин ва эса қоларли бўлсин.

Дам олиш тадбирларида ёшлар, биринчи навбатда, мазмунли дам олсалар, иккинчи навбатда, ўзлари қизиққан соҳа бўйича ва ҳар хил фойдали маълумотлар олиш имкониятларига эга бўладилар.

Маданият ва аҳоли дам олиш марказлари ёшларнинг бўш вақтини уюштиришда, уларни ҳар хил бадий ҳаваскорлик тўғараклар ва уюшмаларга жалб этиб, турли байрамлар, театрлашган томошалар, сайиллар, дам олиш кечалари, рақс кечалари каби турли тадбирлар ташкил қилиш борасида яхши тажриба тўплашган.

Маданият ва аҳоли дам олиш марказларида ёшлар бўш вақтида қатнашадиган тадбирлар доираси анчагина кенг. Улар орасида мулоқотли, кунгилочар - «Дам олиш кечаси», «Шанба оқшомида», «Кулги кечаси», «Дўстлик кечаси», «Қизлар даврасида» кабилар;

Санъат билан боғлиқ бўлган - «Шеърят кечаси», «Достон кечаси», «Қўшиқ ва рақс оқшоми», «Мусика оҳанги», «Театр кўзгуси» кабилар; Байрамонда дам олишга оид сайиллар - «Бог сайли», «Тоғ сайли», «Лола сайли» кабилар;

Халқ ўйинлари, мусобақаларга бой «Соғлиқ - туман бойлик», «Азалий ўйинлар» каби тадбирлар кенг шўхрат қозонган.

Маданият ва аҳоли дам олиш марказларида уюштириладиган тадбирлар фойдаланилган воситалар турли тавсия характерида бўлиши мумкин. Айниқса, маърифий-ҳуқуқий, мусиқали-рақсли ва бадий-адабий тавсифдаги тадбирларни ташкил қилиш яхши натижа беради. Маърифий-хордиқли тадбирлардаги янги ахборотлар, маълумотлар, билимларни олиш, хордик, чиқариш жараёни билан чамбарчас боғланиб кетади.<sup>1</sup>

Одатда бундай дастурлар икки қисмдан ташкил топади: биринчи бўлимда ёшларни қизиқтирадиган мавзу танланиб, бунда ахборотлар бадий шаклда томошабинларга ҳавола қилинади. Кўпинча бу қисмга одамларни уйлантирадиган ва ҳаяжонга соладиган муаммолар ҳам танланади. Дастурнинг иккинчи қисмида эса мароқли дам олиш учун унлаб турли қизиқарли ўйинлар, топишмоқлар, викториналар, қўшиқлар ва ҳоказолардан фойдаланилади. Мусиқали-рақсли тадбирлар, асосан, мусиқа, ашула ва албатта рақслардан ташкил топади.

Бундай тадбирларда бу санъат турларининг энг яхши намуналари тарғиб қилинади. Унда энг яхши рақс учун мусиқа билимдонлари ва севимли қўшиқ ижроси учун омма ўртасида танловлар ўтказилиши мумкин.

Мусиқали-рақсли тадбирларни икки тури бор, уларнинг бири кичик аудитория учун мўлжалланиб, ундан мусиқа фонотекасидаги техник воситаларидан фойдаланилади, иккинчисига эса кичик эстрада ансамбли таклиф қилиниб ўтказилади. Шунингдек, мусиқа-рақс дастурлари ўзбек ва чет эл мусиқаси, пақс санъатига бағишланиб, унга машхур композитор-бастакорлар, ашулачилар ва рақс усталарини таклиф қилиш мумкин.

Мусиқали-рақсли тадбирларнинг асосий вазифалари санъатни тарғиб этиш, ёшларни мусиқа ва рақс ижодига ошно қилиш, уларга маънавий озука бериш.

Бадий-адабий тадбирлар - адабиёт ва санъат жанрларидан ташкил топган дастурлардир. Бундай тадбирларда бадий-эмоционал воситалар: бадий сўз, шеър, монолог, қўшиқ, ашула, рақс кабилар муайян мазмунга

---

<sup>1</sup>[www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com)

боғланиб театрлаштирилади. Адабий-бадий тадбирлар фойдаланадиган воситаларга бой бўлгани учун, улар одатда ижтимоий-фалсафий муаммоларга ҳам бағишланиб, ёшларни тарбиялашда катта рол уйнайди. Бундай тадбирлар ташкил қилишда ташкилотчилар билим доираси, дунёқараши, қобилиятлари ва ташаббускорлиги муҳим ва ҳал қилувчи рол ўйнайди.

Ёшларнинг маънавий камолотига эътибор бериш, келажак авлодни тарбиялаш мақсадида халқ анъаналари ва қардош халқлар тажрибаси асосида жойларда ёшлар талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олиб махсус сайил ўтказилиши мақсадга мувофиқдир. Масалан, 10 ноябрь – Бутун жаҳон ёшлар куни ёки 1 май – “Фавворалар куни” каби уюштирилса бўлади.

Байрам бошланишидан олдин мактаблар, тарбия муассасалари, ўқув юртлари, меҳнат жамоаларида махсус тайёргарлик кўрилади.

Маҳаллий ёшлар фаоллари турли тадбирлар, жумладан, ёш рассом, ёш кўшиқчи, ёш шоир, ёш рақосса танловларини режалаштирса бўлади. Байрамнинг очилиш қисмида “Камолот” Ёшлар Ижтимоий Ҳаракати фаоллари, маҳаллий ҳокимият раҳбарлари байрам мазмуни ҳақида сўзлайдилар, уларга ўз истакларини билдиришади. Сўнг катта сайил бошланади. Унда ҳар бир ўқув юрти ўз ижоди, санъатини намойиш қилади.

Ёшлар ўртасида қизиқарли ўйинлар ва спорт мусобақалари ўтказилади.

Чунончи, «Балли, йигитлар» ва «Балли, қизлар» каби танловлар ҳам ташкил қилинади.

Байрамнинг охириги қисмида кўрик-танлов ғолиблари тақдирланади, уларга бағишланиб кўй ва кўшиқлар ижро этилади.

Бўш вақтда ёшлар учун нафақат маданият ходимлари, балки ёшларнинг ўзи ҳам маданий дам олиш тадбирларни ташкил қилса бўлади. Бунинг учун Маданият ва аҳоли дам олиш марказларида ёшлар тўпланадиган, сўхбатлашадиган, ижодий эҳтиёжларни қондирадиган махсус шароитлар яратмоғи лозим. Бу борада «Ёшлар хоналари», «Ёшлар дебатлари», «Ёшлар ижодий гуруҳлари» каби тажрибалардан яхши фойдаланса бўлади. Айниқса,

маданият ўйи қошида кенг қамровли фаолият олиб борувчи «Ёшлар дебатлари» ташкил қилиш ижобий натижа бериши мумкин. «Ёшлар дебатлари»нинг аъзолари ўзларининг маънавий эҳтиёжи, талаби, қизиқиши асосида турли шаклдаги мароқли ва мазмунли тадбирларни уюштириши мумкин.

Шунингдек, улар нафақат ўзларининг, балки маҳаллий ёшларнинг маданий дам олишига ёрдам бериши диққатга сазовордир. «Ёшлар дебатлари»ни ташкил қилиш борасида қуйидаги методик маслаҳатларни тавсия этса бўлади: «Ёшлар дебатлари» махсус режа ва дастурлар тузиб, иш олиб боради, клуб аъзолари дам олиш кечаси ташкил қилиб, унда ҳар гал янги жамоа аъзолари, ёш ишчилар, талабалар, юқори синф ўқувчилари ва бошқаларни таклиф қилса бўлади. «Ёшлар дебатлари»га, албатта ташкилотчи ва масъул шахслар сайланиши керак.

Ташкилотчи - умумий раҳбарлик қилиб, йиғилиш ўтказиладиган жой ва вақтни режалаштиради. Унинг ёрдамчиси - махсус ташкилотчи ҳам белгиланади. Энг қизиқарли ишни бадиий қисмга жавобгар шахс олиб бориши мумкин. У ҳар бир йиғилишнинг бадиий программасини тузади. У уюшма аъзоларнинг ижодий қобилиятларидан келиб чиқиб, шеър, ҳикоя, ашула, аския, латифа, топишмоқли уйинларни ким ва қачон айтишини белгилайди.

Бундай раҳбар ишнинг диққатига сазовор томони шундаки, у уюшма аъзоларининг у ёки бу соҳадаги ижодий қобилиятини очади. Уюшма аъзолари риоя қилиши шарт бўлган «Низом» қабул қилиниши -бу интизом ишларини яхшилашга асос бўлади. Интизомга жавобгар шахс - бу ишларни назорат қилиши билан бирга, йиғилиш бўладиган жойни тартибга келтиради.

«Ёшлар дебатлари»нинг фойдали томонлари шундаки, у энг аввало, ёшларни яхши ҳордиқ чиқаришга, мулоқот, сўхбат натижасида маънавий бойишга, ижодий қобилиятларини намойиш қилиш ва ривожлантиришга кўмак беради.

«Ёшлар дебатлари» фаолиятини уюштириш ва уларни ижтимоий фойда келтирадиган даражада ташкил қилишга ёрдам бериш - бу маҳаллий маданият муассасаларининг жиддий вазифаси бўлмоғи лозим.

Ёшларнинг равнақи учун кенг имкониятларга эга бўлган бўш вақтдан самарали фойдаланишда маданий-ҳордикий тадбирларнинг аҳамияти бениҳоят каттадир.

Ёшлар учун махсус тадбирлар тайёрлашда ҳар бир катнашчининг ўз мустақил дунёқараши, фаоллиги бўлсагина яхши натижаларга эришилади. Ташкилотчилар ёшлар учун тадбирлар уюштираётганида анъаналар, тажрибалардан фойдаланиш билан бир қаторда янгилик, ижодкорлик, ташаббускорликка алоҳида эътибор бермоқлари зарур. Ёшлар ижод ва янгилик шайдоси эканлигини унутмаслик керак.

Шуни қайд қилиш керакки, турли жойда ёшларни вақти, эҳтиёжи, қизиқиши ҳар хил бўлиши мумкин. Бир ҳудудда шўҳрат топган тадбир, бошқа жойда қизиқиш уйғотмаслиги мумкин. Шунинг учун ҳар жойнинг ўз тадбирини топишга интилиш керак.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, чуқур маъноли, мазмунли ва шаклан гўзал ва қизиқарли тадбирлар кўпчиликка ёқар экан. Жойларда ёшларнинг маданий дам олишини уюштиришда тадбирнинг моҳияти, мазмуни ва ижтимоий аҳамиятига алоҳида эътибор бериш керак. Шунингдек, ёшлар учун тадбирлар ташкил қилишда маҳаллий шароит, маданият муассасаларининг моддий, маънавий, бадиий ва техник имкониятларидан ҳамда бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг ижодидан самарали фойдаланмоқ лозим.

Истиқлол йилларида мамлакатимиз барча соҳа ва тармоқларда оламшумул ютуқларни қўлга киритди, дунё ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаб, миллий давлатчилик асосларини мустаҳкамлаб, том маънодаги озод ва суверен мамлакатга айланди. Ўзбек давлатчилиги ривожига тарихий тажрибаларга таянган ҳолда, инсонпарвар, демократик ҳуқуқий давлат тамойилларига мос маънавий-маърифий фаолият учун зарур бўлган шарт-

шароитларни яратишда ёшларни фаол иштирок этишлари эндиликда ҳаётий долзарб масала бўлиб турибди.

Маълумки юртимиз аҳолисининг 64 фоизини ёшлар ташкил этади. Демографик жиҳатдан олиб қарайдиган бўлсак Ўзбекистон Республикаси ёшлар мамлакати дейишга илмий асослар бор. Президентимиз И.А.Каримов таъбири билан айтганда “Ҳар қайси давлат ёки миллат ўз фарзандлари қиёфасида униб ўсиб келаётган ёш авлод тимсолида, шу халққа хос энг гўзал фазилатларни намоён этадиган, унинг эзгу-орзу ниятларини амалга оширишда мардлик, фидойилик кўрсатишга қодир бўлган ўз таянчи ва суянчини кўриши табиийдир”.

Бизнинг бугунгидек дориломон кунларда истиқлол берган барча имкониятлар замирида қомилиққа етишаётган ёшларимизнинг ижтимоий ҳаёти қайси орзу интилишлар томон йўналганлиги ва уни мақсадли амалга оширишда турли воситалар жумладан, маданий-маърифий муассасалар фаолиятини ҳам ўрни беқиёсдир.

Қадимда табиблар мусиқа билан ҳам беморларнинг дардини даволаганлар. Маданият ва аҳоли дам олиш марказлари ўз фаолиятларини амалга оширишда мусиқани асосий омиллардан бири деб ҳисоблаганларида бу фаолиятнинг таъсир кучини ошириб, инсониятни тарбия воситасига айланишини кўзлаганлари ҳам айни ҳақиқатдир. Ҳозирги Маданият ва аҳоли дам олиш марказлари Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тармоғида бўлиб, вилоятлар, туман қолаверса чекка-чекка қишлоқ ҳаётига кириб бориш, уларнинг ижтимоий турмуш даражасини яхшилаш, маданийлашувни амалга ошириш, шунингдек, инсонпарлик, қалбан поклик, меҳру-муруват, ҳайри-саҳоват, динлараро бағрикенглик, миллатлараро тотувлик, энг асосийси ёш авлодни миллий маънавиятимиз, урф-одатларимизга содиқ қилиб тарбиялаш, жамият кишилари кўз ўнгида тинч ва осуда ҳаётга интилиш ва унинг қадрига етиш, жаҳолатга қарши маънавият билан курашмоқ, ёш авлод онг шуурида ёт ғоялар пайдо бўлиши, мафкуравий бўшлиқ вужудга келишини олдини олишга қаратилган амалий фаолиятни амалга ширмоқда.

Халқ ижоди-тарихий тараққиёт давомида халқнинг идеалларига бадиий муносабат ва интилишдан иборат бўлиб келган.

Шунингдек, Маданият ва аҳоли дам олиш марказлари фаолиятини ривожлантириш, ёшлар маънавияти борасидаги амалий ҳаракатларни амалга оширишда маҳаллалар ва оилалар ҳамкорлигига таяниш, жамоалардаги ёш кадрлар касбий маҳорати билан бир қаторда маънавий салоҳиятини оширишга қаратилган янгича иш услубини ишлаб чиқишдан иборат бўлади.

Муҳтарам Юртбошимиз шундай дейдилар: “Маданий жамоатчилигимиз, авваламбор мусиқашунос олимлар, устоз санъаткорлар, композиторлар, ёзувчи ва журналистлар, кўп сонли санъат ихлосмандлари бундай масалалар юзасидан ўз фикрини очиқ билдириб бориши, шу тариқа ёшларимизга тўғри тарбия беришимиз ҳам қарз, ҳам фарз.”<sup>1</sup> Бу бевосита маданий маърифий муассасалар фаолияти доирасида халқ амалий санъати намуналари, техник ижодиёт, бадиий адабиёт орқали миллий менталитетимизга хос хусусиятларни ёш авлод онгига сингдириш бу бевосита ёшлар ҳаёт фаолиятининг мақсадли йўналтиришда улардан фойдаланиш ҳам моддий ҳам маънавий таъминот базасига айлантиришдан иборат фаолият фақатгина таълим муассасаларининггина вазифаси эмаслиги, бу жараён айнан маданий-маърифий муассасалар фаолият тури ва мақсадларидан бирига айланмоғи кераклигини яна бир қарра исбот этади.

Айни кунларда Республикаимизнинг барча ҳудудларида фаолият юритаётган Маданият ва аҳоли дам олиш марказларининг маҳаллар ва оилалардаги ёшлар тарбиясига таъсири катта албатта. Ўтказилаётган оммавий тадбирларнинг асосий иштирокчилари ёшлар экани, энг асосийси эса ташкилотчилар таркибида ёшларнинг мавжудлиги бу тадбирнинг мақсади ёшлар масалаларини ҳам қамраб олишини бевосита таъминлайди.

---

<sup>1</sup>Karimov I.A. Barkamol avlod–kelajagimz tayanchi-T.: Ma’naviyat. 2010.-192.-b.43.

Шу нарсани алоҳида таъкидлаш керакки, ёшлар ҳаёти, муаммолари ва ютуқлари ҳақида ёшлар ўзигина ҳақиқий таъсуротни беради, энг таъсирли ифода воситаси бўлади.

Хар қандай шароитда ҳам барча миллат ва халқлар ўзининг маънавий эҳтиёжларини қондиришга муҳтожлик сезади.

**Муҳтарам Юртбошимиз “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарларида “ Маънавият –инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, имон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган бекиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир” деб бекорга таъкидламайдилар.**

Маънавияти йўқ халқнинг ўзи йўқ. Шу билан бирга хар бир халқ маънавияти ҳам бир хил даражада эмас. Шу ўринда Юртбошимизнинг «**биз халқни номи билан эмас, балки маданияти, маънавияти орқали биламиз, тарихнинг таг-томиригача назар ташлаймиз**»,–деган фикрларида жуда мантиқ ва маъно бор. Бироқ, шўролар мустабид тизими шароитида ўзбек миллий маданияти хаддан ортиқ даражада кўп зарар кўрди. Собиқ коммунистик мафкура маддоҳлари ҳам ўзбек халқини қул қилиш учун энг аввало шу халқнинг миллий маданиятини йўқ қилишга зўр бердилар.

Таъкид этиш жоизки, маънавий маданияти юксак, унинг илдизлари бақувват халқнинг ижтимоий онгидан шу халқ маданиятини ҳеч қачон тамомила йўқ қилиш мумкин эмас.Тўғри мустамлакачиликлар натижасида ўзбек маданиятига катта зарар етказилди, унинг маънавий илдизларини қирқиб ташлашга уринилди.

Лекин улар бунинг уддасидан чиқа олмадилар.

Ўзбек халқи катта йўқотишларга қарамасдан ўзлигини, ўз миллий маданиятини сақлаб қола билди. Бунга яқин ва узоқ тарих гувоҳдир. Эндиги вазифа – маънавий ҳаётдаги барча йўқотишларнинг ўрнини қоплашдан иборат бўлди. Бу нарса халқимизнинг маънавият ва маърифатга муҳтожлиги ва унинг танқислиги билан белгиланди. Кишининг ўзлигини англаши, ўз

шаънини химоя қила олиши ва барча ёмонликлардан ўзини тия олиши учун ориф бўлмоғи, қалбининг тубида, жиндай бўлса-да, маърифат шамчироғи ёниб турмоғи лозим.

Ана шунда одам гунохдан хазар қилиш, барча неъматлардан ақл-идрок ва инсоф доирасида фойдаланиш йўлини тутди. Ножўя хатти-харакатлари учун тавба-тазарру қилиш зарурлигини англай бошлайди.

Ўзбек халқи айнан шу йўлдан борди, ўз миллий-тарихий, маданий меросига содиқлигини кўрсата билди. Бу эса мустамлакачиликлар даврида йўқотилган, тапталанган маданий меросни тиклаш, ўзлигини англашга бўлган рағбатни уйғотди.

Истиклол йилларида ўзбек маданий ҳаёти уйғонди, жонланди ва ўзининг бутун мавжуд бўй-бастини кўрсата билди.

Театр, муסיқа санъати ривож топди, маданий алоқалар кенгайди, маданий-маърифий муассасалар фаолияти такомиллашди, музейларнинг ижтимоий-маърифий ахамияти ошди, миллий адабиёт равнақ топди.

Айниқса, театр санъатининг ривожини гуллаб яшнади. Бу бежиз эмасди, зеро мустамлакачилик даврида театрлар коммунистик мафкуранинг хизматкорига айланган, сиёсий мақсадларнигина бажарувчи кучга айланган эди.

Шу аснода асосий эътибор репертуар масаласини хал этиш, томошабинларни бездирадиган сахна асарлари ўрнига уларнинг маънавий-ижтимоий эҳтиёжларини қондирувчи спектаклларни фуқаролар ҳукмига ҳавола этишга асосий эътибор қаратилди.

Хозирги шароитда Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган 36 та драматик, муסיқали драма ва комедия, опера ва балет, кўғирчоқ театрлари ана шундай вазифаларни бажардилар. 1998 йил 26 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг «Ўзбекистон театр санъатини ривожлантириш тўғрисида»ги Фармони, эълон қилинди. Унга биноан, Ўзбекистон томоша санъатининг кўп асрлик анъаналарини ўрганиш, бойитиш ва тарғиб қилиш, театр санъатини хар томонлама ривожлантириш, унинг моддий базасини

янада мустахкамлаш, мамлакатимизда маънавий-маърифий ислохотларни амалга оширишда театр арбобларининг фаол катнашишини таъминлаш, республика Маданият ишлари вазирлиги театр ташкилотлари негизида ва театр арбоблари уюшмасида бадиий замонавий сахнабоп асарлар яратиш мақсадида Маданият ишлари вазирлиги тизимида ва театр ижодий ходимлари уюшмаси қошида «Ўзбектеатр» ижодий-ишлар чиқариш бирлашмаси ташкил этилди.

«Ўзбектеатр» бирлашмаси ўзининг театр ташкилотлари ҳамда минтақавий бўлимига эга бўлиб, мулкчилик шаклларида ва қандайдир муассасага идоравий дахлдорлигидан қатъи назар мамлакатдаги барча давлат театрлари, театр студияларида халқ театрлари ва бошқа тегишли ташкилотлар жамоаларини ихтиёрий тартибда бирлаштирди.<sup>1</sup>

Театр санъатини ривожлантириш йўлида 1998 йил ноябрь ойида ўтказилган «Хумо» халқаро ёшлар театрларининг фестивали алоҳида ахамият касб этди.

Ушбу фестивалда Ўзбекистон ва Исроил давлатларининг энг яхши театр жамоалари иштирок этдилар. Мазкур фестиваль доирасида 32 та спектакль намойиш этилди, уларни 20 мингдан ортиқ томошабин томоша қилди.

Ўзбекистоннинг ўз мустақиллигини қўлга киритиши натижасида маънавий маданиятнинг муҳим жабҳаси бўлган мусиқа санъати ҳам жуда ривож топа бошлади, зеро табиатан нозиктаъб, санъатсевар ва санъат ахлига талабчан ўзбек халқининг мусиқаси кенг кўламли маънавий кўзгусидир.

Шўролар даврида асосан мафкуравий ҳукмронлик қўлига айланган мазкур санъат тури эркинлик йўлига кирди. Жамият аъзолари миллий қўшиқчилик санъатидан бахраманд бўла бошладилар.

Ўзбекистон ҳукумати халқимизнинг миллий қўшиқчиликка бўлган ижтимоий эҳтиёжини эътиборга олиб миллий руҳдаги, халқнинг кўнглига яқин мусиқа асарларини яратишга бўлган қизиқишни доимо рағбатлантирди.

---

<sup>1</sup>Fozilov,J, va boshqalar. O'quvchi ma'naviyatini shakllantirish. -T.:2000.-b.78.

Истиклолнинг дастлабки кунлариданоқ мусика санъати бўйича қатор кўрик-танловлар ўтказила бошланди.

Хусусан, 1992 йил март ойида Тошкент шаҳрида танбур, сато, қўшна, сурнай ва бошқа миллий соз ижрочиларининг «Асрларга тенгдош наволар» деб номланган республика кўрик танлови, апрель ойида Тошкент вилоятида хаваскор кўғирчоқ театрлари жамоаларининг кўрик-танлови, шунингдек, машхур санъаткорлар Жўраҳон Султонов, Саиджон Калонов, Комилжон Жабборов, Набижон Хасанов, Комилжон Отаниёзов, Фахриддин Содиков, Жанак Шомуратовларнинг асарлари ижрочиларининг «Боқий овозлар» деб номланган кўрик-танловлари ўтказилди. Айти вақтда 1992 йил май ойида Хоразм вилоятида фольклор жамоаларининг, аския, қизиқчи ва масхарабозларнинг, июнь ойида Қўқонда ўтказилган IХ анъанавий ва лапар, ялла ижроияларининг август ойида Тошкент шаҳрида ўтказилган XI анъанавий кўрик танлови миллий санъатимиз ривожига катта хисса бўлиб қўшилди.

Мамлакатимиз ҳукумати қўшиқчилик санъатидан мустақилликнинг маънавий заминларини мустаҳкамлашда ҳам унумли фойдаланишга эътиборни кучайтирди.

Шу мақсадда 1995 йил декабрда «Ўзбекистон – Ватаним маним» мавзусидаги қўшиқлар кўрик-танлови эълон қилинди. Мазкур танлов барча вилоят, шаҳар ва туманларда жуда катта кўтаринкилик руҳида ўтказилди ва унинг натижасида юзлаб янги, мустақиллик даври қўшиқлари яратилди, кўплаб истеъдодли санъаткорларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди.<sup>1</sup>

«Ўзбекистон – Ватаним маним» қўшиқ кўрик-танловининг 1996 йил март ойида бўлиб ўтган биринчи босқичида 54 мингдан ортиқ санъаткорлар иштирок этди, 10 мингдан ортиқ янги мусиқий асарлар яратилди. Қайд этиш лозимки, мазкур танлов истиклолни, Ватанни, ўзлигини англашда муҳим қадам бўлди.

Халқимизнинг бундай тадбирга қизиқиши ортиқ бўлди.

---

<sup>1</sup>[www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)

Буларнинг барчасини эътиборга олиб, 1996 йил августда «Ўзбекистон – Ватаним маним» кўшиқ байрами ҳақида» махсус фармон қабул қилинди. Фармонда фуқаролар қалбида муқаддас Ватан туйғусини тарбияловчи юксак бадиий савиядаги мусиқа асарлари ва кўшиқларнинг яратилишига кенг имконият яратиш мақсадида ҳар йили август ойининг учинчи якшанбаси «Ўзбекистон – Ватаним маним» кўшиқ байрами куни, деб белгилаб қўйилди.

Айни пайтда, халқимизнинг кўшиқчилик санъатига бўлган буюк қизиқишини эътиборга олиб, Маданият ишлари вазирлиги ҳузурида «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмаси ташкил этилди.

Натижада, мазкур кўрик-танлов ҳозирда оммавий тус олди, унда нафақат ўзбек миллий, шу билан бирга мамлакатимизда истиқомат қилаётган бошқа барча халқлар вакилларининг эркин ижод қилиши, ўз санъатларини намойиш этиш имконияти яратилди. Профессинал ва халқ бадиий ижодиёти асосида санъатнинг кўшиқчилик турига тенг эътибор берилиши, уларнинг уйғун ривожланишига шароит яратилиши туфайли мазкур санъат тури янада ривож топмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 июндаги 2013-2018 йилларда замонавий маданият ва аҳоли дам олиш марказларини ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисидаги 178-сонли қарори эса бунёдкор инсоннинг нафақат фаоли меҳнат шароити, балки бевосита дам олиш шароитини ҳам яхшилаш масаласига қаратилди. Шў ўринда Мухтарам Юртбошимизнинг “Ислоҳотлар ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун хизмат қилсин” деган ҳикматли сўзларини эслаб ўтиш кифоядир.

### **Маҳаллаларда ўтказиладиган тадбирнинг алоҳида номери ҳақида.**

Маҳаллалардаги тадбирларда акс этилаётган воқеаларнинг таъсирини ошириш учун кўшимча восита (мусиқавий фон) сифатида, 1-вариантда бадиий хаваскорлик жамоаларининг тайёр ёки махсус тайёрланган номеридан фойдаланилади. Бундай пайтда номер тадбир мазмуни ва мавзуйига мос равишда эпизоднинг таркибий қисмига айланиб кетмоғи керак. Масалан, хотин-қизлар байрамига бағишланган тадбирларда оналарга

бағишланган.«Онажонлар, ассалом» қўшиғи ижро этилади.Бу қўшиқ алохида номер сифатида берилади. Муסיқадан фойдаланишнинг бу варианты тадбирларда жуда кенг қўлланилиб, шеър ўқиладиганда ҳам, кино лавҳалар кўрсатиладиган ҳам драматик парчалар кўрсатиладиганда ҳам бу воситаларнинг таъсирчанлигини ошириш мақсадида хизмат қилади.

Муסיқа, асосан тадбир таъсирини кучайтирувчи восита сифатида ҳам ишлатилиб, айтиладиган фикрнинг нозик кечинмаларини оммага етказиб беришга хизмат қилади.

**Драматик парчалар.**Санъатнинг бу тури бошқа бадиий асарлардан фарқ қилиб, унда ғоялар кураши, карама-қарши кучлар тўқлашуви, конфликтлар ёркинроқ, ойдинроқ ёритилади.Шунинг учун театрлаштирилган тадбирларда мазмун ривожига қараб, драматик парчалардан кенг фойдаланилади.

**Тадбирларда драматик парчалардан фойдаланишнинг 2 хил усули бор:**

-Тайёр асарлардан олинган парчалар.

-Сценаристнинг ўзи тадбир учун махсус ёзган драматик эпизодлар.

Театрлаштиришда фақатгина пьесалардан парчалар олинishi билан кифоланиб қолмасдан, кеча йўналишига қараб, бадиий адабиётлардан ҳам парчалар олинishi мумкин.

Драматик парчалардан фойдаланишнинг 2-усули ҳам кейинги пайтда кенг қўлланилмоқда. Тадбирнинг асосий вазифаларидан бири маҳаллий воқеаларни акс эттириш бўлгани учун, сценарий муаллифлари жойларда бўлган воқеаларни кичик драматик лавҳа шаклига келтириб, ундан самарали фойдаланмоқда.

Тажрибада шунини кўрсатмоқдаки, қишлоқ аҳолисида маданий-маърифий тадбирларга бўлган қизиқишнинг сабабларидан бири бу маҳаллий фактларни, воқеаларни инсценировка шаклида кўрсатишдир. Айниқса маҳаллий воқеалар асосида ёзилган интермедиялар аҳолига манзур бўлмоқда.

**Маҳаллаларда халқ оғзаки ижодига бағишланган тадбирлар қуйидаги турларга бўладилар:**

- 1). Халқ оғзаки ижоди;
- 2). Халқ мусиқаси, фольклор мусиқаси;
- 3). Халқ рақс санъати;
- 4). Халқ театри;

Маҳаллалардаги тадбирларда халқ оғзаки ижоди жанрларида фойдаланиш ҳар бир иштирокчини қизиқтириши табиий, тадбирлар сценарийларида «Сўз кўрки-мақол» дан, халқ донишмандлиги ҳисобланган афсона ва ривоятлардан фойдаланиш тадбир «тили» ни бойитади, таъсирчанлигини оширади.

Латифа, лоф, аския тадбирларнинг кизиқарлилигини оширади, мазмунини мустаҳкамлайди, томошабинларни активлаштиради. Топишмоқлар тадбир ижрочилари билан аудитория ўртасида «жонли» алоқа ўрнатишга яхши имконият беради. Айниқса болалар учун тайёрланган тадбирларда эркак ва дostonлар қахрамонлари уларни ғоявий-эстетик тарбиялашда муҳим рол бажаради. Масалан, Алпомиш, Гўрўғли, Зумрад, Кенжа ботир...

Маҳаллалар тадбирларида созанда, хофиз, оқин, бахши, халфалар томонидан айтилган кўшиқлар муҳим ўрин тутди. Инсон ҳаётининг бошланишидан то сўнгги хотимасигача бўладиган ҳар бир маросим, тўй байрам ва бошқа воқеаларда ижро этиладиган кўшиқлар мавжуд. Жумладан, бола туғилиши, тарбияланиши, илк бор сочини олдириши, тиши чиқиши биринчи мустақил қадам ташлаши маросимга бағишланган кўшиқлар, никох тўйларида айтиладиган ёр-ёр. Лапар, ўланлар, мотам маросимларида айтиладиган марсия, йиғиқ йўқлов каби аза кўшиқлар оилавий тадбирларнинг муҳим халқининг табиат ва меҳнат байрамлари ҳам махсус ижро этиладиган кўшиқларсиз ўтмаган.

Халқ рақс санъати-воқеаликни ҳаракатлар орқали тасвир этадиган ижод туридир. Ўзбек халқида рақс санъати ашула ва мусиқа билан чамбарчас боғланиб кетган ва шу анъана ҳозиргача давом этмоқда. Ҳозирги кунда

республикамиз бадиий хаваскорлик ижодининг энг ривожланган жанри-бу ашула ва рақс ансамбллариدير. Халқ рақс санъатидан восита сифатида маданий-маърифий тадбирларда фойдаланиш катта аҳамиятга эга.

## **2.2 Маданият ва аҳоли дам олиш марказлари фаолиятини ривожлантиришда маҳаллалар ва оилаларнинг ўрни.**

**Биз аввало Вазирлар Маҳкамасининг 178-сонли қарорини шарҳлаб, кейин маҳалла ва оилалар масаласига тўхталамиз.**

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013-2018 йилларда замонавий маданият ва аҳоли дам олиш марказларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги қорорида маданият ва аҳоли дам олиш марказларини моддий техник базасини яхшилаш, уни фаолиятини молиялаштириш чора тадбирлари лоҳида бўлиб сифатида белгилаб қўйилган. Бунга биноан: Марказ ушбу Низомда ва Марказнинг уставида назарда тутилган мақсадлар ва вазифаларидан келиб чиқиб ўз фаолиятини режалаштиради ва уни ривожлантириш истиқболларини белгилайди.*

*Қуйидагилар Марказ фаолиятини молиялаштириш манбалари ҳисобланади:*

- *бюджет маблағлари;*

*Марказ томонидан ташкил этиладиган маданий-маърифий тадбирларга чипталар сотишдан, шу жумладан қўшимча хизматлар кўрсатишдан ва ўзини ўзи қоплайдиган тўғарақлар фаолият кўрсатишидан олинадиган даромадлар;*

- *давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар билан тузилган хизматлар кўрсатишига шартномалар бўйича тушумлар;*

- *юридик ва жисмоний шахсларнинг хайр-эҳсонлари, ҳомийлик маблағлари;*

- тадбиркорлик фаолиятдан олинган даромадлар;
- қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

*Марказнинг асосий фаолиятини амалга ошириш учун ажратиладиган бюджет маблағларидан бошқа мақсадларда фойдаланиш, шу жумладан бюджет маблағларини Марказ томонидан қўшимча даромад олиш учун кредит муассасаларининг депозит ҳисоб рақамларига жойлаштириш тақиқланади.*

*Ҳамкорлик ўзи нима. Бундай жараён (мен энди маданият ва аҳоли дам олиш маркази мисолида айтадиган бўлсам)ни ҳар икки тарафга ҳам ўз имкониятларидан келиб чиқиб фойдалари кўзланади. Ҳамкорлик икки тарафлама ёки кўп тарафлама тузилиши мумкин.*

Маданият ва аҳоли дам олиш марказлари фаолиятини ривожлантиришда маҳаллалар ва оилаларнинг ўрни ҳақида гап кетганда аган ўрни ҳақида тўхталмоқ жоиз. Ҳаётимизни юксалтириш ҳақида гапирганда маҳалланинг роли ва таъсири хусусида гапириш ўринлидир. Ўзбек маҳалласи чинакам қадрият маскани экани, ҳалқимизга хос ўзини ўзи бошқариш тизимининг бу ноёб маскани қадим-қадимдан одамларнинг нафақат тилида, балки дилида, бутун ҳаётида чуқур из қолдиргани бежиз эмас. Маҳалла ҳақида гапирганда “Маҳалла- Ватан ичра Ватан” деб бекорга айтмайдилар. Маданият ва аҳоли дам олиш марказлари фаолиятидаги барча тадбирлар ўз-ўзини бошқариш органларининг фаол ҳаракати, оилаларнинг бевосита иштироклари билан ўтади. Масалан оилавий маросимлар “Олтин тўй”, “Кумуш тўй”, “Хатна тўйи” ва б.

**Янгилик сифатида киритиш мумкинки:** ҳозирги кунда маданият ва аҳоли дам олиш марказларида фақат санъатга доир курс ва тўғараклар очилган. Мен ўз битирув малакавий ишимда илмий янгилик сифатида киритганим бу ва буни амалда тадбиқ этилишида ишлаб чиқган ғоям шундан

иборатки маданият ва аҳоли дам олиш марказида маҳалла кўмиталари ва ибрати оилалар билан биргаликда:

- Чет тил (инглиз тили, рус тили, немис ва француз тили) лари курси очилиши;
- Математика, тарих, она тили ва адабиёт;
- Пазандалик;
- Тикувчилик;
- Маиший хизмат курслари ташкил этилса маҳаллаларда истиқомат қилаётган оилаларда молиявий барқарорлик тобора юқори кўрсаткичлардан иборат бўлади.

Айтиш мумкин, бундай курслар ҳозирда бошқа жойларда, хусусий курслар сифатида ташкил этилган. Шундай бўлсада, бу ташкил этиладиган курсларга агарда ҳамкорлик қилган маҳаллаларга бу курсдан бюжетига маблағ тушадиган бўлса, ҳамда бу курслар сифати аҳоли томонидан яхши баҳоланса, ҳамкорлик қилган маҳалла фуқароларига ушбу курсларга чегирмалар қилинса, бу ташкил этиладиган курслар ўзини оқлайди ҳамда марказ бюдетига фойда олиб келади.

**Хулоса ўрнида айтиб ўтиш жоизки,** Ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш борасидаги мураккаб вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш фуқароларнинг маънавий-ахлоқий камолотига, имон-эътиқодига, ғоявий-сиёсий етуклик даражасига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Инсон камолоти миллат ва мамлакат ривожига асос бўлади. Маданият ва аҳоли ам олиш марказларининг моддий техник базасини яхшилаш учун маҳаллалар билан ҳамкорлик шартномалари тузилиши мақсадга мувофиқ иш бўларди. Чунки бугунги тобора ривожланиб бораётган замонда кўл меҳнатига қайсидир маънода эҳтиёж қолмаётган бир пайтда бўш вақтни мазмунли ўтказиш учун маданият ва аҳоли дам олиш марказлари “саҳна”га чиқиб келади. Ёшларимизнинг оммавий маданиятга кириб кетиши, ўзини миллийликдан чиқиб кетишига вақтни ножўя ишлатиши, турли хил зарарли одатлар,

ақидаларга кириб кетишини олидини олади десак муболаға бўлмайди. Нафақат ёшлар балки, айрим ёши катталаримиз ҳам ўз навбатида ҳордик чиқариш учун зарали одатларга ўзини уриши мамлакатимиз, миллатимиз ривожланиш илдизига болға уради. “Қуш уясида кўрганини қилади” деган нақл ҳалқимизда азал-азалдан оғиздан оғизга ўтиб келмоқда. Мен ушбу фикримини нима учун ёшларга қаратдим, чунки келажагимиз ёшларимиз қўлида.

**Муҳтарам Юртбошимизнинг “Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахли бўлишлари шарт деган” фикрлари ҳам шу мақсадга қаратилган десак муболаға бўлмайди.**

## Хулоса

Маълумки, Маданият ва аҳоли дам олиш марказлари фаолиятида миллий маънавият масалалари билан шуғулланиш асосий соҳа бўлгани сабабли, маданият муассасалари комил инсонни тарбиялаш жараёнига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшишга масъул ҳисобланади, чунки келажакда буюк давлат эгаси бўладиган комил инсонни тарбияламасдан, уни ахлоқий жиҳатдан баркамол қилмасдан туриб ривожланиш вазифаларини ҳал этиш мумкин эмас.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида мураккаб вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш фуқароларнинг маънавий-ахлоқий камолотиغا, имон-этиқодига, ғоявий-сиёсий етуклик даражасига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Инсон камолоти миллат ва мамлакат ривожига асос бўлади.

Халқ орасида, тураржойларда маданий-маърифий фаолият олиб борувчи муассасаларнинг бу ишларни амалга оширишда ўзига хос имкониятлар мавжуд.<sup>1</sup>

Шу нарсани эътиборда тутиш керакки, маданий-маърифий тадбирлар маҳаллаларда аввало ҳар бир юртдошимиз учун хизмат кўрсатади.

Шу боисдан ҳам Маданият ва аҳоли дам олиш марказлари муайян регионнинг асосий маданият маркази, маърифат ва мазмунли дам олиш маскани сифатида халқ ижодини камол топтиришда, байрам ва сайилларни уюштиришда кенг имкониятларга эга маънавий-мафкуравий ташкилотлар сифатида хизмат қилмоқдалар.

Маданият ва аҳоли дам олиш марказлари юртдошларимизнинг бўш вақтини мазмунли ташкил қилиш, шахс маънавиятини ҳар томонлама ривожлантириш ва уларнинг ижтимоий-маданий фаоллигини ошириш жараёнларини узлуксиз таълим-тарбия тизими шаклида амалга оширади. Маданий меросимизни эски андозалару ёндашувлардан холи холда чуқур ва ҳар томонлама тадқиқ этиш, ноёб тарихий ёдгорликларни сақлаш ва

---

<sup>1</sup>«Xalq so'zi» gazetasi, 2007-yil, 23-fevral

таъмирлаш, халқимиз яратган, аммо турли сабабларга кура чет элларга чиқиб кетган маданият бойликларини излаб топиш ва ўрганиш бўйича ишларни тизимли ва тадрижий давом эттириш билан боғлиқ вазифалар шулар жумласидандир.

Айни пайтда, фан, адабиёт, санъат, умуман миллий маданиятимизнинг барча соҳаларини жаҳон маданияти ютуқлари асосида бойитиш ва ривожланишнинг янги босқичига кутаришнинг ўрни ва аҳамияти бекиёсдир.

Буларнинг барчаси ўз навбатида мустақиллик руҳиятига сингган, юрт манфаати ва миллат истиқбол йўлида қайғурадиган янги инсонни тарбиялашдек бош вазифани ҳал этишга хизмат қилишини ҳам алоҳида таъкидлаш зарур.

Маданият жабҳасида фаолият курсатаётган турли ижодий ташкилотлар ва бирлашмалар эса аҳолининг маданий эҳтиёжларини тўлақонли қондириш, миллий маданият, адабиёт, санъат, мусиқа, театр, кино ютуқларини, маънавий ва ахлоқий қадриятларни кенг тарғиб этиш борасида сермахсул натижаларга эришаётганларини алоҳида қайд этиш лозим. Ҳамда ушбу тадбирлар ўз навбатида маданият ва аҳоли дам олиш марказларининг моддий техник базасини яхшилаш учун ҳам хизмат қилмоқда. Чунки, ҳар бир уюштирилган тадбирдан маданият аҳоли дам олиш марказига давлат томонидан ҳам маблағ кўчирилса, иккинчи томондан, ҳамкорлик қилган маҳалла томонидан ҳам пул-тушумлари бўлади. Бу эса, маданият ва аҳоли дам олиш маркази раҳбарининг қанчалик раҳбарлик фаолиятини аниқ ва узоқни кўра билиш қобилиятини ҳам намоён этади.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш керакки, жамият ҳаётидаги мавжуд муаммоларни фақат иқтисодий, сиёсий тадбирлар ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш билангина тўла ҳал қилиб бўлмайди. Бунинг учун жамиятнинг маънавий ҳаётини ҳам қайта қуриш талаб этилади. Юқоридаги фикр мулоҳазаларимиздан келиб чиқиб қуйдаги таклиф ва тавсияларни эътиборингизга ҳавола этмоқчиман.

- Маданий тадбирларни ташкил қилишда аҳолининг эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда ташкил этиш керак.

- Маданий тадбирларни ривожлантириш учун вилоятлардаги чекка қишлоқларда ҳам фаолиятни кенг йўлга қўйилса мақсадга мувофиқ бўларди.

- Маданият ва аҳоли дам олиш марказларининг моддий техник базасини яхшилаш учун маҳаллалар бириктирилиши улар билан ҳамкорлик шартномалари тузилиши мақсадга мувофиқ иш бўларди.

## Г л о с с а р и й

**Шартнома** – икки ёки бир неча шахс ўртасида тузилган, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари келтирилган битим

**Аҳоли** – (арабча “ақл” сўзининг кўплиги). Маълум бир ҳудуд, вилоят, мамлакат ва шаҳарда истиқомат қилувчи одамлар. Миллий аҳоли. Шаҳар аҳолиси.

**Маҳалла** – арабча “жой”, “ўрин”, “макон”. Шаҳарнинг маълум бир ҳудудини ўз ичига олган ва аҳолиси бир жамоага бирлашган, ўзини-ўзи бошқаришига асосланган ижтимоий-ҳудудий бўлаги.

**Маънавият** – арабча ахлоқий ҳолат. Барча ахлоқий нарсалар, хусусиятлар. Инсониятнинг фалсафий, ҳуқуқий, илмий, бадиий, диний, ахлоқий ва ҳ.қ тасаввурлари мажмуи. Маънавийят инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир.

**Маданият** – арабча сўз бўлиб, ҳозирда унинг янги термини мавжуд. яъни Маданият инсонни табиатдаги, жамиятдаги, ўзлаштирган, ўзгартирган, моддий ва маънавий бойлиги.

## Фойдаланилга адабиётлар рўйхати

### Расмий манбалар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: Ўзбекистон, 1992.
2. Ўзбекистон Республикаси. “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”. -Т.: 1997.

### Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

1. Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Асарлар, 2-жилд.-Т.: Ўзбекистон, 1996.
2. Каримов И. А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Асарлар, 3-жилд.-Т.: Ўзбекистон, 1996.
3. Каримов И. А. Бунёдкорлик йўлидан. Асарлар, 4-жилд.-Т.: Ўзбекистон, 1996.
4. Каримов И. А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъульмиз. Асарлар, 9-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 2001.
5. Каримов И. А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Асарлар, 10-жилд.–Т.: Ўзбекистон, 2002.
6. Каримов И. А. Биз танлаган йўл–демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Асарлар, 11 жилд.–Т.: Ўзбекистон, 2003.
7. Каримов И. А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Асарлар, 12–жилд. –Т.: Ўзбекистон, 2004.
8. Каримов И. А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Асарлар, 13-жилд. -Т: Ўзбекистон, 2005.
9. Каримов И. А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари–олий қадрият. 14-жилд.-Т.: Ўзбекистон, 2006.
10. Каримов И. А. Юксак маънавият –енгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2008.
11. Каримов И.А “Баркамол авлод –келажагимиз таянчи” –Т.: “Маънавият”. 2010.-192 б
12. Каримов И.А. Ўзбекистон Мустақилликка эришиш остонасида, “Ўзбекистон” 2011. 440.б
- 13.. И.Каримов : “Бош мақсадимиз-мавжуд қийинчиликларга қарамасдан олиб бораётган ислохотларни иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир”“Халқ сўзи” газетаси. 2016 йил 16 январь.

14. И.Каримов. Келажакни жасоратли одамлар куради.Халқ сўзи,1999 йил,17 февраль.
15. И.Каримов. Илм-фан мамлакат тараққиётига хизмат қилсин.Биздан озод ва обод Ватан қолсин.Тошкент.Ўзбекистон, 1996-261бет.
- 16.И.Каримов. “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривождаги роли ва аҳамияти”, Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2014 йил, 16 май.